

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

**Гулистон давлат университети
Ижтимоий-иқтисодий факультет**

Тарих кафедраси

**5220200-Тарих таълим йўналиши 5-43 гуруҳ битирувчи талабаси
Нурматов Шавкатнинг**

**“X-XV АСРЛАРДА ЭРОННИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА
СИЁСИЙ АҲВОЛИ”**

мавзусидаги

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Рахбар: т.ф.н., доц. О.Р.Назаров

Гулистон – 2015

Р Е Ж А

Кириш

Адабиётлар таҳлили

1-БОБ. ЭРОННИНГ X-XII АСРЛАРДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ

- 1.1. Эронда Сомонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийлар ҳукмронлиги
- 1.2. Эронга мўғулларнинг кириб келиши ва ҳукмронлигининг ўрнатилиши
- 1.3. Эронда элхонлар Хулоғулар давлатининг ташкил топиши

2-БОБ. ЭРОН ХУЛАГУЛАР ДАВЛАТИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА

- 2.1. Эронда Хулағулар давлати ҳукмронлиги
- 2.2. Эронда Хулағулар олиб борган сиёсат ва бошқарув шакли
- 2.3. Ислом Мовароуннаҳр ва Форсда

Хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ўрта асрлардаги Осиё мамлакатлари тарихи бутун тарихий жараённинг узилмас қисмини ташкил этади. Осиё мамлакатларининг ўрта асрлар тарихи асосан феодализм тузумининг вужудга келиши ва барбод бўлиши билан боғланади. Бугунги кунда феодализмнинг ўрта асрларда мавжуд бўлганлиги тўғрисида турли фикрлар илгари сурилаётган бўлса-да, кўпчилик олимлар бу тузумнинг ўрта аср Осиё мамлакатларига хос бўлганлигини тан олишмоқда ва мазкур атама ўрнига тузумга бошқа ном хануз берилмаган. Албатта, турли мамлакатларда феодализмнинг пайдо бўлиши, ривож ва парчаланиши турли даврларга тўғри келади. Бу борада ўрта асрлар тарихини а) илк ўрта асрлар; б) ривожланган ўрта асрлар; в) сўнгги ўрта асрларга ажратиш ҳам қабул қилинган.

Эроннинг ҳозирги тўлиқ номи – Эрон Ислом Республикаси. У Ғарбий Осиёда жойлашган мамлакат бўлиб, шимолда Арманистон, Озарбойжон ва Туркманистон билан чегарадош ҳамда Каспий денгизига туташ. Шарқда Афғонистон ва Покистонга чегарадош, Ғарбда Ироқ ва Туркияга чегарадош.

Эрон – қадимги ва ривожланган цивилизация мамлакати. Эрон тарихи катта хронологик даврни қамраб олади. Тарих фанида милоддан аввалги I мингйилликда яшаган эроний қабилалар ҳақида маълумотлар мавжуд. Ўтган даврлар мобайнида эроний тилли халқлар турли давлатлар, тиллар, хилма хил маданиятларга туташган бўлсаларда, шунга қарамай ўзларининг сиёсий, ижтимоий, маданий ва адабий муҳити ярата олишдики, уларни ўрганиш ҳар доим олимларни қизиқтириб келмоқда.

Эрон ўзининг географик жойлашуви, давлат тузилиши, маданий тараққиёти туфайли Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари тарихида муҳим роль ўйнаб келган. Шунинг учун ҳам унинг ҳаётидаги воқеалар Бутунжаҳон тарихидаги муҳим воқеалардан ҳисобланади. Эрон қадимги ва ўрта асрлар

даврида Шарқ тарихида буюк роль ўйнаган ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг кураши ва синтезининг ўрни ҳисобланади.

Ўрта асрлар давридаги Эрон тарихини урта даврга бўлиш мумкин. Биринчидан, илк ўрта асрлардаги Эрон: сосонийлар Эрони, Арабларнинг, Сомонийлар, Ғазнавийларнинг Эрон ҳудудидаги ҳукмронлиги. Иккинчидан, ривожланган феодал муносабатлар давридаги Эрон, Салжуқийлар даври, мўғул элхонлари Хулагулар, Темурийлар ҳукмронлиги даври. Учинчидан, сўнгги ўрта асрлардаги Эрон, Сафавийлар ҳукмронлиги даври.

Биз ишимизнинг мавзусидан келиб чиқиб, илк ўрта асрларда Сомонийлар, Ғазнавийлар ҳукмронлигига қисқача тўхталиб, асосан иккинчи даврни ёритамиз.

Маълумки, IX-X асрларда Эрон ҳудудида меросий амирликлар ташкил топган эди, улар фақат номигагина Араб халифалигига бўйсунарди. Буларга Хуросондаги Тоҳирийлар (821-873 йй.), Сейистондаги Саффорийлар (861 йилдан), сўнггра эса Хуросондаги Саффорийлар (873-900 йй.) ва б. Аммо Эроннинг катта қисми X асрда иккита давлатга қарашли эди – ғарбда Бувайхийлар ва Шарқда Сомонийлар. Бувайхийлар давлати яхлит, бир бутун бўлмасдан, ҳар доим урта ака-ука улусларига бўлиниб келаверди. Бувайхийлар шиаларга ҳомийлик қилиб, эрон давлат анъаналарини қўллаб қуввалаб турганлар. Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё ўша даврда Сомонийлар давлати таркибига кирган эди.¹ Сомонийлар Эронда Ўрта Осиёдаги каби ўз тартибларини ўрнатиб, исломнинг сунний мазҳабига эътиқод қилишни аҳоли орасида тарғиб қилганлар.

1220 йилнинг кузида мўғул босқинчилари Жебе ва Субэтей саркардалари бошчилигида мўғуллар кўшинлари мўғуллардан қочган Хоразмшоҳни қувиб кетдилар. Каспий денгизини жануб томондан оралаб ўтиб, 1221 йилда улар Эронни тор-мор келтириб, Озарбайжонга бостириб кирдилар. Нахичеван ва бошқа бир қатор шаҳарлар вайрон қилинди,

¹ История стран Азии и Африки в средние века. Под ред. Симоновской Л.В., Ацамба Ф.М. М., 1968. С.299

уларнинг аҳолиси эса қириб ташланди. Фақат халқ оммаси, масалан, Ганжа шаҳрининг аҳолиси қаршилик кўрсатди. Сўнг Грузияда подшо Георгий IV Лаша аскарлари устидан ғалаба қозонган Жебе ва Субетей Ширвоншоҳлар пойтахти Шемахага ҳужум қилдилар. Унинг аҳолиси қатъият билан ҳимояда турди, бироқ босқинчилар шаҳарни эгаллагач, уни талон-тарож қилдилар ва аҳолининг кўпчилигини қириб ташладилар.

Жебе ва Субетей Дарбанд орқали Шимолий Кавказга чиқдилар, у ерда қипчоқлар ва аланларга зарба бердилар. Дастлаб мўғуллар қипчоқлар билан сулҳ тузиб, аланларни тор-мор келтирдилар. Сўнгра қипчоқларга ташландилар. Босқинчилар қипчоқларни қувиб бориб, Жанубий Рус дашти орқали Қримга кириб келдилар ва Судок қалъасига етиб бордилар.

Киев, Чернигов, Смоленск, Галич, Волинь ва бошқа айрим князликларни талон-тарож қилиб, 1223 йил 31 майда Калка дарёси соҳилида қонли жангда мўғул қўшинлари ҳужумга ўтиб, русларни тор-мор келтирди. 1225 йил кузида мўғул қўшинлари ватанларига қайтдилар. 1227 йилда Чингис-хон Ғарбий Ся давлатини мағлубиятга учратиб, кўпчилик тангутларни қириб ташлади, тирик қолганлари эса қулга айлантирилди¹.

1227 йилда Мўулистонга қайта туриб, Чингис-хон йўлда вафот этди. Биринчи Бутунмўғул хони бўлган Чингис-хон вафоти арафасида Буюк Мўғуллар империяси ҳудудлари Мўғулистондан ташқари Шимолий Хитойнинг бир қисмини, Жанубий Сибир ва Шарқий Туркистоннинг бир қисмини, бутун Ўрта Осиёни ва Эрон қисмини ўз ичига киритган эди. Истилочиларнинг улкан қўшини нафақат мўғуллардан, балки бўйсундирилган халқлардан иборат кўпсонли отрядларидан иборат эди.

Забт этилган улка ва вилоятларни Чингис-хон хали ҳаётлик чогида ўғиллари ва набираларига тақсимлаб беради. Жанубий Сибир, Дашти Қипчоқ, Итил (Волга) бўйи, Хоразм ва Дарбандгача бўлган улка Чингизхоннинг тунгич ўғли Жўжига, кейин эса набираси Ботуга

¹ Тизенгаузен М.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Т.2. – М., 1962. С.54-55.

топширилди. Шарқий Туркистон, Еттисув ва Мовароуннахр Чигатойга тегди. Чингис-хон ўзи тўғилиб усган Мўғулистонни, шунингдек Хитойни учинчи ўғли Уқтойга берди. Кенжа ўғли Тулуйга эса Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон вилоятлари берилди.¹

Хулагулар давлати Мўғул империясининг парчаланиши натижасида ташкил топиб, ўз ичига Эрон, Озарбайжон, ҳозирги Афғонистон ва туркменистоннинг катта қисмларини, Кавказортининг катта қисмини, Ироқи арабни, Кичик осиёнинг шарқий қисмини киритган. Хулагуларнинг вассаллари ва ўлпон тўловчилари Грузия, Трапезунд империяси, Куния (Кония) султонлиги, Киликия подшоҳлиги, Кипр қироллиги, Ҳиротдаги куртлар давлати бўлишган. Мераге, Табриз, Султония, сўнгра яна Табриз Хулагуларнинг пойтахти бўлган. Хулағунинг босқинчилик юришлари даврида (1256-1260) асос солинган Элхонлар давлати Ғозон-хон (1295—1304) ислохотларининг амалга оширилиши туфайли 1353 йилгача мавжуд бўлган. Абу Саиднинг вафотидан кейин (1335) заифлашган элхонлар тахтга фақат янги сулолалар – Чобанийлар ва Жалойирлар ҳокимиятини қонуний деб кўрсатиш учунгина ўтирганлар, холос. Эроннинг Хулагулар мўғуллар сулоласи ҳукмронлиги давридаги тарихини ўрганиш бу ерда ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга баҳо беришга, бу даврнинг Эрон тарихига кўрсатган таъсирини ҳолисона аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, Эрон ва қўшни давлатлардаги этник жараёнларни кузатишга имкон беради. Шунинг учун ҳам бу давр тарихини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур битирув-малакавий ишда ўз олдимизга X-XV асрларда Эроннинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланиши тарихини ёритиш, айниқса, Эроннинг Хулагулар давлати ҳукмронлиги давридаги тарихини ёритиш мақсадини ўз олдимизга қўйиб, қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни назарда тутдик:

¹ Каримов III, Шамсутдинов Р. Ватан тарихи.- Т., 1996.

- Эроннинг мўғуллар босқини олдидаги Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ҳукмронлиги давридаги ижтимоий, сиёсий ҳаётини таҳлил қилиш;

- Эронга мўғулларнинг бостириб келиши ва ҳукмронлигининг ўрнатилишини таҳлил қилиш;

- Эрондаги илк мўғуллар сулолалар ҳақида маълумот келтириш;

- Хулагуларнинг Эронда олиб борган сиёсати ва давлат бошқарув шаклига баҳо бериш;

- Элхонийлар даврида Эрондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволни очиқ бериш.

Ишдаги янгиликлар. Мазкур битирув-малакавий ишимизни ёзишда ўзбек тилида яратилган дарсликлар, қўлланмалар ва илмий-оммабоп адабиётларда учрамайдиган маълумотларни муомалага киритишга муваффақ бўлдик. Маълумотлар рус тилидаги адабиётлар ва Интернетдан олинди.

Ишнинг объекти. Эроннинг X-XV асрлардаги тарихи, хусусан элхоний Хулагулар сулоласи тарихи ишимизнинг объекти ҳисобланади.

Ишнинг фарази. Жаҳон тарихи ва Ўрта асрлар тарихи китоблари дарслик ва қўлланмаларида Эроннинг X-XV асрлар тарихи жуда қисқача ёритилган, шунинг учун бу давр тарихини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ишни ёзишда қўлланилган методлар. Ишни ёзишда таҳлил, умумлаштириш методларидан, тарихийлик тамойлидан фойдаландик.

Ишнинг амалий аҳамияти. БМИ да келтирилган маълумотлардан мактаб, лицей ўқитувчилари, тарих факультети талабалари Жаҳон тарихининг Ўрта асрларга оид тарихи курсидан маърузалар тайёрлашда, курс иши ва рефератлар ёзишда, семинар ва мустақил ишларга тайёргарлик кўришда кенг фойдаланишлари мумкин.

Ишнинг тузилиши. Битирув-малакавий иш Кириш, 2-та боб, Хулоса, Илова ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Эрон ўтмишига қизиқиш олимлар ўртасида ҳар доим юқори бўлган. Иванов М.С. таҳрирлиги остидаги "Очерк истории Ирана" Эрон тарихини қадимги даврлардан бошлаб бугунги кунгача қисқача баён қилишнинг уриниши ҳисобланади¹.

Пигулевская Н.В. таҳрирлиги остидаги "История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века" дарслигида Эрон қадимги ва ўрта аср тарихининг даврлаштирилиши келтирилиб, унинг ўрта асрлардаги иқтисодиётига асосий ўрин ажратилади.²

Симоновская Л.В. ва Ацамба Ф.М. таҳрирлари остидаги "История стран Азии и Африки" китобида эса, аксинча, Эроннинг ўрта асрлардаги аграр муносабатлари, деҳқонлар ва шаҳар аҳолисининг ҳаракатларига, ижтимоий ва давлат тузумига асосий эътибор берилган.³

"Средневековый Восток" тўплами ўз ичига бир қатор мақолаларни киритган бўлиб, улар ичида Шарқдаги адабиёт, маданият тарихи ёритилган, ҳамда Шарқ халқларининг маданий алоқалари ёритилган мақолалар анчагина⁴.

Мўғуллар империясининг пайдо бўлиши тарихи, Мўғулистонда ўрта асрларда феодал муносабатларининг ривожланиши, Чингис-хон ва унинг ворислари давридаги ижтимоий-сиёсий ва иўтисодий ҳаёти бир қатор адабиётларда ўз аксини топган бўлиб, улар асосан рус тилида ёзилгандир. Даставвал, манбаларга тўхталсак, Марко Поло, Плано Карпини, Рубруклар мўғул хони қароргоҳига бориб, ёзиб қолдирган эсдаликлари тўпланган адабиётларни тилга олиш зарур бўлади. Булар собиқ совет даврида чоп этилган бўлиб, муҳим маълумотларни ўз ичига киритган. Уларда ўрта

¹ Иванов М.С. Очерк истории Ирана. М., 1952.

² История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века. Под ред. Н.В. Пигулевской. Л., 1958.

³ История стран Азии и Африки в средние века. Под ред. Симоновской Л.В., Ацамба Ф.М. М., 1968.

⁴ Средневековый Восток. М., 1980.

асрларда Ғарб саёхлари томонидан уюштирилган саёхатлар ва буюк географик кашфиётлар ҳақида гап боради¹. Яна бир муҳим манба Рашид-авд-Диннинг "Жомеъ ат-таворих" асари бугунги кунда ҳақли равишда кўп мамлакатларда узоқ ҳукмронлик қилган кўчманчи мўғулларнинг маиший ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий тарихи бўйича энг кучли манбалардан бири ҳисобланади. Форсча манбалар ичида бунга тенг асарлар йўқ. "Жомеъ ат-таворих" да бой маълумотлар асосида мўғулларнинг кўчманчи турмуши, маросимлари, урф-одати ва феъли, маънавияти, қонунлари ҳақида ёрқин ҳикоя қилинади. Рашидиддиннинг бу шоҳ асарида ўтроқ халқлар ҳаёти, хўжалик-иқтисодий турмуши, кўчманчи ва ўтроқ турмуш тарзлари ўртасидаги зиддиятлар ҳам ўз ифодасини топган. "Жомеъ ат-таворих"да кўчманчи феодаллар ҳукмронлиги остида қолган, "асосан ўтроқ аҳоили кўп мамлакатларнинг иқтисодий, хўжалик ва сиёсий тарихига оид анча муфассал маълумотлар келтирилади. "Йилномалар мажмуаси" билан бир қаторда Рашидиддиннинг "Ёзишмалар"и ҳам Яқин ва Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёнинг XIII-XIV аср боши тарихини ўрганишда катта манбадир². Турли йилларда чоп этилган тарихий адабиётлар ичида В.В.Бартольд, Б.Я.Владимиров, Л.Н.Гумилев, В.Л.Егоровларнинг китоблари Буюк Мўғуллар империяси ҳақида батафсил маълумотларни беради³. Айниқса Б.Д.Греков ва А.Ю.Якубовскийлар томонидан ёзилган «Олтин Ўрда ва унинг қулаши» Чингис-хоннинг ҳарбий саркардалиқ фаолияти, буюк империяга асос солиши ва бу империянинг парчаланиб кетиши ҳақида бой маълумотларга эгадир.⁴

Хусусан, Эроннинг мўғуллар босқини давридаги тарихи, Ю Хулагулар ва Элхонийлар даври тарихи рус тилидаги тарихий адабиётларда ёритилган бўлиб, булар қаторига В.В.Бартольднинг "Хулагу", "Элхонийлар",

¹ Книга Марко Поло. – М., 1957; Путешествия в восточные страны П.Карпини, Г.Рубрука. – М., 1957 ва б.

² Рашид-ад-Дин. Сборник летописей. Т.1. Ч.1-2. М.-Л., 1952.

³ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. М., 1963; Владимирова Б.Я. Общественный строй монголов (монгольский кочевой феодализм) – Л., 1934; Егоров В.Л. Историческая география Золотой Орды – М.:Наука, 1985 ва б.

⁴ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение.- М., 1950; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши.- Т., 1956

муаллифлар жамоасининг “Эроннинг энг қадимги вақтлардан 18 аср охиригача тарихи”, К.Н.Рижовнинг “Дунёнинг барча монархлари” ва бошқа китобларни киритиш мумкин¹.

Булардан ташқари мўғуллар босқинлари ҳақида турли дарслик ва ўқув кўлланмалар², интернет маълумотларида қизиқарли ва қимматли маълумотлар топиш мумкин.

¹ [Бартольд В. В. Хулагу](#) // Бартольд В. В. Сочинения. — М.: Наука, 1971. — Т. VII: Работы по исторической географии и истории Ирана.; Бартольд В. В. Ильханы // Бартольд В. В. Сочинения. — М.: Наука, 1971. — Т. VII: Работы по исторической географии и истории Ирана; История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века. — Л.: 1958; Рыжов К. Н. Все монархи мира. Мусульманский Восток VII—XV вв.. — Вече, 2004.

² История Монголии – М.-Л., 1987; История стран Азии и Африки в средние века. Ч.1-2. М.:МГУ, 1987; История средних веков – М., 2002; История стран Зарубежной Азии в средние века.- М., 1970 ва б.

1- БОБ. ЭРОННИНГ X-XII АСРЛАРДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ

1.1.Эронда Сомонийлар,Ғазнавийлар ва Салжуқийлар ҳукмронлиги

Сомонийлар уруғининг асосчиси Афғонистоннинг шимолидаги Балх вилоятида истиқомат қилган Сомонхудо деган деҳқон бўлган. Шунга қарамай, кейинчалик бу сулола ўз аجدодларини Эроннинг қадимги шоҳлари Сосонийларга боғлайди. Исломни қабул қилган Сомонхудонинг тўрт набираси Хуросонда ал-Маъмуннинг кўлида хизмат қилган эдилар. Садоқатли хизматлари учун Нух Самарқанднинг, Аҳмад — Фарғонанинг, Яҳё Шошнинг, Илёс эса Ҳиротнинг ҳокимлари этиб тайинландилар. Уларнинг Мовароуннаҳрда мустаҳкам рнашиб олишлари шу пайтдан бошланган, 875 йилда эса халифа ал-Муътаид Наср ибн Аҳмадни бутун вилоятнинг ноиби этиб тайинлайди. Бу бадавлат ўлка Сомонийлар давлатининг негизини ташкил қидди. Мовароуннаҳрнинг яхлитлигини ва савдо манфаатларини мажусий саҳройи туркийлар тажовуздан ҳимоя қилиш ҳам Сомонийларнинг зиммасига тушди. Мовароуннаҳрнинг шимолий томонлари ва Фар-она узил-кесил мусулмон дунёсига кўшиб олинди, 893 йилда эса, Сирдарё ортидаги чўлларда яшовчи Қарлуқлар устига Исмоил ибн Аҳмад ҳужум уюштириб, уларнинг пойтахти Таласни талон-тарож қилди. Ҳарбий қудрати билан ҳамма ёққа даҳшат солган ва Ўрта Осиё орқали ўтадиган карвон йўлларининг хавфсизлиги устидан назорат ўрнатган Сомонийлар мамлакат иқтисодининг барқарор бўлишини таъмин эта билдилар; IX асрдан бошлаб деярли ҳамма мусулмон ҳукмдорларининг кўшинлари учун юборилиб турган қулларнинг асосий оқими Сомонийлар худуди орқали ўтар эди. Сомонийлар равнақ топиш учун шундай асосга эга бўлгач, Бухородаги ўз саройларини нафақат анъанавий араб илм-фанининг

марказига айлантирдилар, балки айни чоқда янги форс тили ва адабиётини тиклаш учун маскан ҳам қилдилар. Сомонийлар замонида Фирдавсий Шохномадек буюк асар ярата бошлади.

Исмоил 900 йилда саффорийлардан бўлган Амр ибн Лайс кўшинларини тор-мор келтирди ва ўзини асир олиб, Аббосий халифанинг миннатдорлигига сазовор бўлди, бунинг эвазига халифа Исмоилга шу пайтгача Тоҳирийлар ва Саффорийлар ҳукмида бўлиб келган Хуросон ноиблигини инъом этди. Эндиликда Сомонийлар давлати Эрон шарқида энг кудратли давлат бўлиб қолди; улар олис ўлкалардаги ҳукмдорларнинг (жумладан, Хоразмда) ва Сейистонда Саффорийларнинг сюзеренларига айланишди ва Афғонистондан то Ҳиндистон чегараларигача бўлган жойлардаги маҳаллий ҳукмдорларни бўйсундирдилр. Шимолий Эронда улар Буийларга рўпара келишди. Бунда Сомонийларга халифа ва суннийларнинг кўмаги қўл келди, бинобарин, Сомонийлар суннийликнинг оғишмас тарафдорлари эдилар, уларнинг тасарруфида бўлган Хуросон билан Мовароуннаҳр эса ҳамиша бу изчил мазҳабининг ишончли таянчи эди¹.

X аср ўрталарига келганда Сомонийлар давлатида беқарорликнинг машъум белгилари кўрина бошлади. Бир қатор сарой тўнтаришлари шундан далолат берадики, амирларнинг бошқарувни марказлаштириш сиёсатига қарши бўлган ҳарбийлар ва заминдорлар табақаси борган сари кучая бошлади.

Хуросондаги исён Бухоронинг бу ўлка устидан бевосита ҳукмдорлигига путур етказди. Шунинг учун X асрнинг 90-йилларида Қорахонийлар билан Ғазнавийлар Сомонийларнинг мулкларини осонгина эгаллаб олдилар, сўнгги Сомоний Исмоил ал-Мунтасир эса 1005 йилда ўлдирилди.

Ғазнавийлар тарих саҳнасига милодий 961 йили келишди ва роппа-роса 225 йил ҳукмронлик қилишди. Улардан олдин Сомонийлар сулоласи ўнинчи

¹ www.islom.uz

аср охиригача ҳукмронлик қилган, бироқ бундан анча илгари унинг инқирозидан дарак бериб Кобулда янги давлат вужудга келган эди. Унга сомонийларнинг собиқ турк қули Алптегин асос солди. У сомонийлар авлоди қироллигидаги тансоқчилар гуруҳида юксак мавқега эришгач, Хуросон ҳокими этиб тайинланди. Анча вақтдан кейин нафратга учраб, кичикроқ қўшин билан шарқий вилоятларга, Ғазна деган жойга бош олиб кетди ва у ерда мўъжазгина шаҳар-давлат барпо этди. Унга ворис бўлган қули ва куёви Сабуктегин анча истеъдодли киши эди.

Сабуктегин 967-997 йиллар орасида ўттиз йил даврон сурди. У мустақилликка эришиб, ўз ерларини кенгайтирди. Ғарбда сомонийлар авлодининг сўнгги вакилидан Хуросонни тортиб олди, шарқда эса ҳозирги Покистон ва Афғонистон ҳудудида жойлашган Пешоварни эгаллади. Бу ерда унга ҳужум қилган Панжоб роҷаси Жайпал мағлубиятга учраб, жуда катта миқдорда товон тўлашга рози бўлди. Лекин Жайпал Лоҳўрга қайтиб келгач, сўзининг устидан чиқмади, шунинг учун ҳам Сабуктегин унинг тасарруфидаги ерларга бостириб кирди. Бошқа роҷаларга ёрдам сўраб мурожаат қилган Жайпал улардан мадад олиб, бирлашган кучлари билан Сабуктегин устига юриш қилди. Бироқ ҳиндларнинг яна омади чопмади. Натижада Ҳинд дарёсининг ғарб томонидаги ерлар ғазнавийлар ихтиёрига ўтди¹.

Ғазнанинг 999-1030 йиллардаги буюк султони Улуғ Маҳмуд Сабуктегиннинг ўғли эди. У ғазнавийлар шуҳратини бутун Осиёга ёйди. Маҳмуд отаси билан биргаликда кўрган тадбирларидан ўз уруғи билан сомонийлар орасида талашувлар бўлиб турганини, Шарқда Панжобнинг шахий подшоҳлари билан рақобат мавжудлигини яхши билар эди. Шу пайтда Жайпал қазо қилиб, унинг ўғли Анадпал Панжобни бошқариб турган эди. Отаси сингари у ҳам шартлашилган товонни тўлашдан бош тортди, бу Маҳмуд билан шахий подшоҳлари ўртасида уруш чиқишига яхши баҳона

¹ Иванов М.С. Очерк истории Ирана. М., 1952. С.16

бўлди. Ўзаро тортишувлар Ислом азаматининг Ҳиндистон шахий подшоҳлари устига машхур ўн еттинчи юриши билан якунланди. Қатъиятли сунний бўлган Маҳмуд Ғазна султони сифатида халифа деб эътироф этилди. Халифа унга "Ямин уд-Давла" (Давлатнинг ўнг қўли) унвонини берди¹.

Шундан кейин Маҳмуд ўзининг урушлари силсиласини бошлаб юборди. У Ҳиндистоннинг муҳим маданий ва диний марказларига ҳужумлар уюштирди, чунки кўшни рожалар шу масканларни қутқариш учун бирлашишларидан хабардор эди. Ғазнавийлар ўша пайтда ўн икки марта юриш қилганлари тарихда қайд этилган. Ҳиндларнинг Гужарат вилоятига қарашли Катхиаваре деган жойдаги машхур Сомнас зиёратгоҳига қилинган ҳужум уларнинг энг машхуридир. Маҳмуд Рожпутан чўлини босиб ўтишга мажбур бўлган бу юришида ўзининг қарийб барча ҳинд рожаларининг бирлашган кучларига қарши туришини яхши биларди. Бу жанговар саркарданинг жасурлиги ҳеч қандай таърифга сиғмас эди. Дастлабки пайтда анча кўп сонли ҳинд кўшинлари исканжасида бўлгани ҳолда ғолиб чиқиб, шаҳарни эгаллагач, Сомнас эҳромига кириб борди ва миллионлар илтижосига қарамай, ундаги бутни чил-парчин қилиб ташлади. У юртига катта ўлжа билан қайтди. Маҳмуднинг ғарбдаги зафарлари ҳам Хуросон ва бутун Форснинг кўшиб олинисидан қолишмайди. Шухрати чўққисида у Ҳиндистондаги Жамна дарёси билан ғарбдаги Дажла дарёси ўртасида жойлашган бепоён кенглик ҳукмдори бўлиб турди.

Маҳмуд Ғазнавий юришлари туфайли Ислом дини ҳақиқатан ҳам кенг кўламларда жорий этила борди. Маҳмуд Канаужа ва Деҳлигача борган бўлса ҳам, фақат Панжобни эгаллашга эришди. Ғазнавийлар даврида Панжоб, аниқроғи, унинг учдан икки қисми мусулмон дунёсининг бир бўлагига айланди. Лоҳўр, Панжоб ва Юқори Синд ғазнавий ҳокимлигининг вилоят марказлари бўлиб хизмат қилди. Сўнгги ғазнавий ҳокимлар эса Ғазнага эмас, Лоҳўрга бўйсунардилар. Маҳмуд Ҳиндистонда узоқ хотира қолдирди. Бу

¹ www.e-tarix.uz

хотира фақат Панжобнинг доимий истилоси билангина чегараланиб қолмасдан, кўпроқ Маҳмуднинг ва унга қарам туркларнинг ўзларига нисбатан ҳиндлар қалбида уйғотган очик-ойдин кўрқувда бўлмаса ҳам, душманликда ифодасини топди. У ҳиндлар бошида тез-тез калтак синдириб турди, ўғли Султон Масъуд ва невараси Баҳромнинг шон-шуҳрати эса Ҳиндистонда шу қадар кучли янгрардики, ғурийлар Ҳиндистон устига бостириб келаётганларида Присви Рож, деҳлилик Чоукан Рож ҳамда Ахмернинг қарши чиқишларини ҳисобга олмаганда, ҳиндлар ҳатто мусулмонлар ҳаракатига сезиларли тўсиқ бўла олишмади.

Ҳинд тарихчилари Маҳмудни босқинчиликда, шаҳарлар ва эҳромларни шафқатсиз вайрон қилишда айблашади. Бу тўғри эмас, албатта. Маҳмуд учун Ҳиндистон "Дорул-ҳарб", яъни урушлар маскани бўлган. Шаҳий подшоҳлари Маҳмуднинг отасига қарши уруғчилик урушини кўзгашиди, кўп марталаб Сабуктегинга ҳамда Маҳмудга берган ваъдаларига вафо қилишмади. Эҳтимол "муқаддас уруш" олиб борган Маҳмуддан ватанларини ҳимоя қилганлари учун уларнинг қилмишларини оқлаш мумкин. Маҳмуднинг ўз таъбири билан айтганда, у бутпарастларга қарши ҳар йили ёки бир йил ўтказиб уруш олиб борарди. Ўша пайтда бундай уруш қонуний бир ҳол ҳисобланарди. У ҳеч қачон шаҳарларни яқсон қилмаган, оммавий қирғинларга йўл қўймаган¹.

Ислом қаҳрамони сифатидаги шон-шуҳрати билан Маҳмудга бас келадиган ҳокими мутлақлар кўп эмас. Ўз пайтида у Осиёнинг биринчи ҳокими эди. Жонажон шаҳри Ғазнада беҳисоб кўп иморатлар, мактаблар, беадад илмий муассасалар қурдириб, халқига ато қилди, ўз пойтахтига кўплаб машҳур кишиларни даъват этди. Бу унинг номини ўн биринчи асрдаги энг буюк илмпарвар сифатида тилларда дoston айлади. Маҳмуд шоирлар ва машҳур кишиларга ҳар йили 400 минг динарлаб маблағ сарфлаши билан Фирдавсийни мислсиз "Шоҳнома" асарини ёзишга

¹ Иванов М.С. Очерк истории Ирана. М., 1952. С.20

илҳомлантирган. У Ғазнада дорилфунунга асос солиб, машҳур файласуф, олим, сўз устаси ва шоир Ансорийни унга мударрисликка тайинлади. Бошқа кўпгина шоирлар, жумладан, Асади Тусий, Фирдавсий, Асжодий ва Фаррухий ҳам шу ерда эдилар. Улуғ аллома Беруний ҳам Маҳмуд ҳузурида ишлади, лекин у шохнинг маслаҳатчиси Аҳмад ибн Маймандий билан чиқиша олмай, шахзода Султон Масъудга қўшилди. Ғазнавийлар ҳақида битилган "Тарихи Яминий" асарининг муаллифи машҳур олим Утбий Маҳмуд саройида фаолият кўрсатган. Ўз паноҳида шунчалик кўп ёзувчилар, санъаткорлар ва олимларни тўплаб, бутун қитъада шу қадар юксак обрўга эга бўлиш камдан-кам подшоҳга насиб этган¹.

Машҳур султонлар - Султон Масъуд ва билим бобидаги жонбозлиги билан донг таратган ўғли Султон Байрам ибн Масъуд Маҳмуд Ғазнавийнинг ворислари жумласидандир. Байрам фозилу фузалоларга совға-саломлар ва мукофотлар беришда жуда сахий эди. У "Маҳзани асрор" асарининг муаллифи Шайх Низомий ва Сайёд Ҳасан Ғазнавий сингари таниқли кишиларни саройга жалб қилди. Айна Султон Байрам подшоҳлиги даврида ва унинг раҳнамолиги туфайли "Калила ва Димна" масаллар мажмуи санскрит тилидан форсчага таржима қилинди. Ғазнавийлар тобора ҳолдан тойиб бораётган қиролликни юз йилдан кўпроқ бошқариб турганларидан кейин Панжоб томон суриб чиқарилдилар. Маҳмуднинг сўнгги вориси у ерда Шаҳобиддин Ғурий (1186 йил) ҳаётлигида Лохўр ҳокими бўлиб турди.

XI асрнинг биринчи ярмидаги салжуқийлар ҳаракати, гарчи қисман Мовароуннаҳр территориясида келиб чиққан бўлса ҳам, аммо ундан узоқ жойларда юз берди. Бу ҳаракат билан боғлиқ воқеалар Олд ва Ўрта Осиё шарқида катта акс садога эга бўлди. Салжуқийлар ҳаракатига Салжуқнинг набиралари ака-ука Тўғрулбек ва Чағрибек Давуд ҳамда уларнинг амакиси Муса Ябғу бошчилик қилар эди. Улар киник номли қадимги туркман қабиласидан эдилар. Ака-ука салжуқийлар кўчманчи – туркман қабилалари

¹ www.e-tarix.uz

устидан бошчилик қилган эдилар. Бу қабилалар таркибига бошқа туркман уруғ-қабила уруғ ва қабилалар бирлашмалари билан ҳам қариндошлик муносабатида бўлган бирқанча уруғ ва қабилалар кирган бўлса керак. Дастлаб салжуқийлар куйи Сирдарёдаги Жанд деган жойда кўчиб юрар эдилар, аммо Шоҳмалик номли ҳоким билан урушиб қолганлари туфайли Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғига, сомонийлар томонидан уларнинг кўчиб юриши учун берилган Нур(Нурота)га кетишга мажбур бўлган эдилар. Сомонийлар Салжуқийлар билан тотув яшар эдилар, бу тотувлик сомонийларнинг қорахонийларга қарши олиб борган курашларида туркманларнинг сомонийларга берган ёрдамига асосланган бўлиб, аммо бу ёрдамга доим ишониш қийин эди.

XI аснинг биринчи ярмида туркман – салжуқийларнинг аҳволи жуда оғирлашди. Илекхон Алптакин вафотидан кейин (1034 й.), Хоразмшоҳ Хорун уларга Работи Машои, Шўрахона ва Говийҳар ҳудудларидан ер ажратиб берди, аммо Жанд ҳокими уларга хужум қилди ва 8 минг кишини ўлдирди. Салжуқийларнинг бошлиқлари юқорида айтиб ўтилганидек Тўғрулбек, Чағрибек Давуд ва Муса Ябғу бу ердан кетишга ва Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли Маъсуддин жой сўрашга аҳд қилдилар. (Маъсуд 1030 йилдан 1041 йилгача подшоҳлик қилган эди).

Салжуқийлар ўзларига Сарахс, Марв, Абиверд, Нес ва Фарови ҳудудларида кўчиб юришларига рухсат берилишини сўраб, Хуросоннинг Ғазнавий жомига элчилар юбордилар. 1035 йилда Нишопурда имзоланган шартномага кўра, улар Нес, Фарови ва Деҳистон деб номланган жойларни олдилар, аммо бу сафар ҳам, бундан ўн йил илгари бўлгани каби, деҳқончилик қиладиган аҳоли билан тинч муносабатда бўлолмадилар.

Орадан бир неча ой ўтар ўтмас шароит яна оғирлашди. Салжуқий бошлиқлари ўтроқ аҳоли билан тинч муносабат ўрнатишни фақат оғиздагина бажарар эдилар. Амалда эса улар ғазнавийлар ҳукуматидан янги ерлар, айниқса Марв ва Сарахс ҳудудларидаги ерларни кунт билан талаб қилишни

давом эттирдилар. Маъсуд учун қурол кучи ишлатишдан бошқа чора қолмади. Аммо шароит ғазнавийлар учун ноқулай бўлиб чиқди. Хуросонда уларнинг ишончли таянчи топилмади, чунки ғазнавийлар ҳам уларнинг ноиблари ҳам бу катта ва бой мамлакатда обрўга эга эмас эдилар. Ғазнавийларнинг сўнгги ноиби бўлган Абулфозил Сурийки Хуросон аҳолиси очикдан-очик ёмон кўрар эдилар. Чунки у дўқ ва пўписа қилар, пора олар ва ўз амалидан фойдаланиб хиёнат қилар эди¹.

Хуросон аҳолиси ғазнавийлар қўшинининг аҳоли ҳисобига яшашидан ва уларнинг қиладиган зўрлигидан қаттиқ азоб чекар эди. Бу воқеаларни анча тўлиқ тасвирлаган ва уларнинг кўпида ўзи иштирок этган XI аср форс тарихчиси Байҳакий Хуросонга туркманлар келган пайтда Хуросон тўлиқ бошбошдоқликни ўз бошидан кечирар эди, деб ҳикоя қилади.

Шундай шароитда ғазнавийларнинг салжукийларга қарши олиб борган кураши султон Маъсуд учун фойдасиз бўлиб чиқди. Унинг туркманларга қарши юборган қўшини Сарахс ёнида мағлубиятга учради, натижада туркманлар учун Хуросоннинг бош шаҳари – Нишопурга йўл очилди. 1038 йилда Тўғрулбек 3 минг кишидан иборат қўшини билан ҳеч қандай қаршиликка учрамай Нишопурни эгаллади. Шунинг эътиборига сазоворки, Нишопурнинг бош руҳонийлари ва савдогарлари шаҳарни, сўзсиз топшириш тарафдори эдилар.

Аммо Нишопурни босиб олиш билан Хуросоннинг қисмати ҳал бўлмаган эди. Кураш давом этди. Бир вақт ҳарбий бахт ғазнавийлар томонига боққандай бўлди. Масалан, Маъсуд 1038 йилнинг ўзида Сарахс ёнида катта ғалаба қозонди. Аммо ғазнавийлар подшоси бу ғалабанинг аҳамиятига юқори баҳо берди ва ўз қўшинларини ҳарбий ҳаракат майдонидан олиб кетиб, салжукийларнинг мустаҳкамланишига ва янги кучлар тўплашга имкон туғдирди.

¹ Tarixda turkiy davlatlar. (Erol Gungo'r).- Toshkent, 2003. C.52

1040 йилда Сарахс ва Марв орасидаги Данданакон ёнида сўнгги ҳал қилувчи жанг бўлди. Сувсиз саҳродан ўтиб ташналик ва чарчашдан кучсизланган, интизомдан чиқиб кетган ғазнавийларнинг катта армияси бутунлай тор-мор етилди. Маъсуд Ғазнавийнинг ўзи эса кичик бир отряд билан қочиб қутулди. 1040 йилдаги жанг ғазнавийлар давлатини маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кичик князликка айлантириб, уларнинг қудратига чек қўйди. Ғазнавийлар давлатининг вайронаси устида янги буюк салжуқийлар давлати ташкил топди. Бу давлатнинг тарихий ҳаёти Ўрта Осиёдан ташқарида бўлса-да, лекин у билан чамбарчас боғлиқ эди. Ғазнавийлардан тортиб олинган ерлар салжуқийлар хонадонининг айрим аъзоларига ҳадя сифатида бўлиб берилди: Тўғрулбекка Эроннинг шимолий ва шимолий-ғарбий вилоятларининг катта қисми, Чағрибек Давудга Марв ва Хуросоннинг катта қисми, Муса Ябғуга, Тус, Ҳирот ва Сейистон вилоятлари тегди¹.

Салжуқийлар давлатининг бошлиғи Тўғрулбек (1038-1063 йиллар) бўлиб қолди. У ҳужумни давом эттириб Ироқ Ажами (Форс Ироқи), Озарбайжон, Курдистон ва Кўҳистонни ўзига бўйсундирди. 1055 йилда Тўғрулбек қўшинлари билан Бағдодга кириб келди ва ўз номини хутбага қўшиб ўқитишга халифани кўндирди. Диний ҳокимият аббосийлар халифасига, дунёвий ҳокимият султон унвони билан Тўғрулбекка ўтди. Тўғрулбек янги давлатнинг пойтахти этиб Рай шаҳрини танлади. Унинг диққати бутунлай ғарбга қаратилган эди. Ўзининг шахсий ерлари уни унча кўп қизиқтирмас эди. У ўзидан кучли бўлган қорахонийлар билан Тўғрулбек фақат тинч муносабатда бўлиш йўлини кидирар эди. Аммо бу тинчлик унча мустаҳкам бўлмаган ва узоқ давом етмайдиган тинчлик эди. Ҳар иккала турк династиялари тўқнашишга олиб келган жанжалли масалалар келиб чиқди.

¹ Tarixda turkiy davlatlar. (Erol Gungo'r).- Toshkent, 2003. C.53

Алп Арслонхоннинг ўрнига салжуқийлар тахтига чиққан султон Маликшоҳ 1055 йилда туғилган эди. Отаси ўз юришларида уни доимо олдида олиб юрган ва шу туфайли унинг кўзлари деярли жангларда қотган эди. Шунингдек, Маликшоҳ отасининг вазири Низоммулк ёнида давлат ишларини яхши ўрганган ва яхши таълим олган эди. Унинг даврида салжуқийлар империяси сиёсий жиҳатдан, давлатни бошқариш ва ҳарбий нуқтаи назардан ниҳоятда тараққий этди, давлатнинг чегаралари ҳеч кўрилмаган даражага кенгайди.

Энг аввало Маликшоҳ султонлик даъвоси билан чиққан амакиси, Кирмон ҳукмдори Коврутни енгди. Сўнг шарқий чегаралари тажовуз қилган қорахонийлар устига юриш қилиб, уларни бўйсундирди. Ғазнавийлар билан сулҳ тузилгандан сўнг, отасининг ўлими туфайли чала қолган ишини тамомлаш учун орқага қайтди ва Мисрга қадар яқин ва ўрта шарқни қўл остида бирлаштириш учун юриш бошланди.

Маликшоҳ бекларнинг бир қисмини Онадўлини истило қилиш учун жўнатди, бошқаларни бўлса Сурияга юборди. Онадўлига юборилган Қутолиддин ўғли Сулаймонбек қисқа вақт ичида Ускударга қадар етиб бориши керак эди. Сурияга жўнатилган Одизбек еса шиа фотимий халифаси қўл остидаги шарқий Ўртаденгиз минтақасини улардан озод етиб, Миср ҳудудларига етиб борди. Султон Одиздан кейин Сурия ҳокимлигига укаси Малик Тутумни тайинлади, ўзи эса Сурия ва Ироқдан шарққа юрди. Султон ғарбий қорахонийлар хонлигини истило қилгач, бу давлатни салжуқийларга тобе қилди. Шарқий Қорахонийларга юриш қилишга отланган пайтда Қошғар ҳукмдори Харун Буғраҳон келиб, унга тобе бўлганини айтди ва ўз тахтида қолди. Маликшоҳ шарқда бутун масалаларни ҳал қилиб бўлгач, жанубга, Ҳижозга аскар юбориб, Арабистон ярим оролини салжуқийлар ҳокимиятига қўшиб олди. Шу тариқа салжуқийлар султонлиги жуда ҳам катта майдонга эга бўлди. Унга Эрон ерлари б утунлай кирган эди.

Маликшоҳ ва унинг вазири Низоммулк ўша пайтлари ислом дунёсига кутку солган, бошбошдоқликларга қарши жуда қаттиқ кураш олиб бордилар. Улар бир томондан Низомия мадрасасини очиб, у ерларда сунний ислом эътиқодини ўргатишар, бошқа томондан фисқ=фасодчи ботинийларни ушлаб, жазо беришар эди. Аламут қаъласини ботинийларнинг қароргоҳига айлантирган Ҳасан Аббос исмли бир эронлик қорадори воситасида ўзига тамоман боғлаб олган фидойилар ёрдамида Маликшоҳ ва унинг вазири Низоммулкка қарши суиқасд уюштирди ва 1092 йилда ҳар иккисини ўлдиртирди. Маликшоҳнинг ўлиmidан кейин тахт ўғли Беркюрук чиқди ва салжуқийлар султони бўлди. 1105 йилда Беркюрук вафот этгач, тахтга унинг укаси Муҳаммад Топар чиқди. Топар худди отаси ва акаси каби жуда муносиб давлат бошлиғи эди, аммо у 1118 йилда жуда эрта вафот этди. Бундан сўнг салжуқийлар тахтига узок вақт салтанат бошқарган сўнгги Султон Санжар ўтирди.

Султон Санжар Маликшоҳнинг ўғилларидан бири эди. У Хуросонда ҳокимлик қилиб, давлат ишларини юритишни пухта эгаллади. Унинг замонида салжуқийлар султонлиги ниҳоятда кенгайиб, куч-қудратли давлат ҳолига келди. Султон Санжар худди эртаклардаги қаҳрамонларни эслатар эди. Ғазнавийлар ва ғурийлар салжуқийлар султонлигини қўшиб олиниши билан давлат ҳудудини Ҳиндистонга қадар кенгайтирди.

Санжарни шарқдан келган қорахонийларга енгилиб, Туркистонни йўқотиши, унинг салтанатига берилган илк зарба бўлди. Кейинчалик у ўзига тобе бўлган кўчманчи ўғузлар исёнини бостира олмади. Ўғузлар Санжарни асир олдилар, давлатнинг энг гўзал, энг бой шаҳарларини талон-тарож қилиб ёкиб юбордилар. Султон узок вақтдан сўнг асирликдан қутилди, аммо кўп яшамади. 1157 йилда вафот этди. У пайтларда Онадўли гарчи султонга тобе бўлсада, алоҳида мустақил давлат эди. Ироқ салжуқийлари ҳам давлатга эга чиқа олмагач, салжуқийларнинг шарқдаги ерлари хоразмшоҳлар қўлига ўтди. давлатнинг эски вилоятларидаги турк ҳокимияти бекликлар ҳолида давом

этди. Ироқ, Сурия ва Кирмонда салжуқийлар оиласидан чиққан беклар, Озарбайжон, Мусул, Халаб ва Шероз Отабеклар ҳукм сурдилар¹.

1077 йилда буюк Султон Маликшош Қутолмиш ўғли Сулаймонга фармон жўнатиб, уни “Онадўли ҳукмдори” деб эълон қилди. Аббосий ҳалифа ҳам Қутолмиш ўглини ҳукмдор сифатида тан олди. У замонларда Онадўли қайнаб турган қозога ўхшар эди. Туркманлар қавмлари билан кўчиб келиб, бу ерларни ватан тутар ва Ўрта Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий турмуш тартибини айна шаклда давом эттиришга ҳаракат қилар эди. 1084 йилга келиб, Мармара денгизгача бўлган Онадўли ерлари туркларининг қўлига ўтди.

Буюк салжуқийлар султонлигида исломиятнинг ҳанафий мазҳаби ҳукмрон бўлиб, давлат арбоблари айна шу мазҳабда таълим-тарбия олар эдилар. Бинобарин, юқори табақа орасида эътиқод, ибодат бирлиги таъминланган эди. Онадўлига келган ва кўпчилиги кўчманчи бўлган ўғузларда мусулмочилик уларнинг эски динлари билан қоришиб кетган ҳолда эди. Бунинг устига улар қабила ҳолда яшаганликлари сабабли ораларида бу борада бирлик жуда қийин эди. Бунинг устига улар қабила ҳолидай яшаганликлари сабабли ораларида бу борада бирлик бўлиши жуда ҳам оғир эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, турк халқи бу ерга келган турклар билан шу ерлик халқларнинг чатишуvidан вужудга келган эмас, яъни дурагай халқ эмас. Юқорида айтганимиздай, турклар Онадўлига келганида бу ерда милоддан олдин яшаган, шумерлар каби қавмлар йўқ эди, румлар, арманлар, сурёнийлар бор эди. Буларнинг жуда оз қисми мусулмонликни қабул қилиб, турклар билан қоришиб кетди, кўпчилиги (румлар) Болқонга ўтиб кетдилар,

¹ Tarixda turkiy davlatlar. (Erol Gungo'r).- Toshkent, 2003. C.54-58

кўчмаганлари эса то Туркия жумҳурияти барпо бўлгунга қадар ўз ерларида яшаб қолдилар¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, салжуқийлар Ўрта Шарққа етиб борган вақтларда ислом дунёси танг аҳволда эди. Гарчи Бағдоддаги Аббосий халифа сунний ислом дунёсининг олий раҳбари бўлсада, аббосийлар империяси бу вақтга келиб, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ниҳоятда заифлашиб қолган эди. Халифа Бағдод ва Ероннинг бир қимисга ҳоким бўлган шиа Бувайхийлар қўлида кўғирчоқ эди. Улар Мисрга ҳоким бўлган шиа фотимий халифаларини дин ва давлат йўлбошчиси сифатида тан олишар, лекин яшаб турган жойларида сунний мусулмонлар кўпчилиқни ташкил етгани учун Бағдод халифасини ўртадан олиб ташлашга қўрқар едилар. Маҳмуд Ғазнавий шиаларнинг ҳарбир ва сиёсий кучларини тор-мор қилгандан кейин сунний мусулмонликка душман бўлган бир қанча шиа гуруҳларини яширин ташкилот сифатида иш кўриб, ҳар тарафда бузғунчилик фаолиятини олиб бораётган эди. Хуллас, аббосийлар империясига қарашли мусулмон ўлкаларида сиёсий бошбошдоқлик ҳамда эътиқод ишончсизлиги ҳукм сураётганди. Эрон ҳам ана шу қайноқ қозонга тушиб қолган эди. Ўртада кўзга ташланадиган шахс бўлмагани учун ислом жамоати ҳар хил мазҳаблага бўлиниб, сиёсий парчаланишга юз тутаётган эди.

Салжуқийлар сунний мазҳабида эдилар. Аббосий халифа иқтидорли қолиш ва ўз жамоасини шиа-ботиний кучлардан ҳимоя қилиш мақсадида сунний ҳукуматлар билан яқин алоқада бўлиб турди. Ҳатто халифа ўзи султон бўлса ҳам Маҳмуд Ғазнавий “султон” деб эълон қилди. Шу тарзда Маҳмуд Ғазнавий ўзини танитиш йўлини топгаи каби халифа ҳам кучли бир ҳимоя остига ўтганди. Халифа Салжуқий Тўғрулбекни ҳам “султон” сифатида эътироф этардилар.

¹Tarixda turkiy davlatlar. (Erol Gungo'r).- Toshkent, 2003. C.54-58

Салжуқийлар ҳар икки тараф учун ҳам манфаатли бўлган бу яқинликдан етарлича фойдаландилар. Тўғрулбек 1055 йилда ҳаж йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш баҳонасида Ироққа, яъни халифа қўл остидаги ерларга кириб борди. Аббосий халифа Бихруллоҳ Тўғрулбекни Бағдодга таклиф этиб уни “мусулмонларнинг ҳукмдори” деб эълон қилди. Ва Бағдодда жума хутбасини унинг номига ўқиди. Тўғрулбек катта тантана билан Бағдодга кирди. Бағдод халқни уларни шиаларнинг зулмидан қутқарган бу султонни ва унинг аскарларини шоду хуррамлик билан кутиб олди. Халифа султоннинг қизи Хадича Арслон хотунга уйланиб, орадагин ипларни қаттиқроқ боғлади.

Хуллас Салжуқийлар ҳам ислом оламида, ҳам Ўрта Осиё, ҳам Эрон давлатчилиги тарихида муҳим из қолдирган давлатлардан биридир. Умуман олганда, Эрон X-XI асрларда Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар сулолаларининг вакиллари ҳукмронлиги остидаги ҳудудлардан бўлиб келди. Одатда тарихда Эроннинг бу даврдаги катта қисми Хуросон деб аталиб келади.

1.2. Эронга мўғулларнинг кириб келиши ва ҳукмронлигининг ўрнатилиши

1221 йилнинг қишида Хоразмшоҳнинг ўғилларидан Жалолиддин, Ўзлокшоҳ ва Оқшоҳ Каспий денгизининг жанубий соҳилидаги оролдан Урганчга қайтиб келдилар. Урганч шахзодалари хоразмшоҳ Муҳаммад тўнғич ўғли Жалолиддинга тахтни топширишни васият қилганлигини эълон қилдилар. Бу ишдан қипчоқ лашкарбошилари норози бўлдилар. Улар Жалолиддинни ёмон кўрардилар, шунинг учун Ўзлокшоҳ билан биргаликда янги хоразмшоҳга қарши иғволар бошладилар. Кўп вақт ўтмай Жалолиддинни ўлдириш мақсадида уюштирилган фитна ҳам фош қилинди: Жалолиддин бундай вазиятда Урганч мудофаасини сира ҳам ташкил этиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиб, Темур Малик ва кичик отряди билан бирга Урганчдан яширинча Хуросонга жўнаб кетади. Тез вақтда Урганчдан Ўзлокшоҳ ҳам укаси билан қочиб кетади. Урганч лаванг, кўрқоқ амир хумотегин кўлида қолади. Хумортеган-ўзини султон деб эълон қилиб, пойтахтни мўғуллардан ҳимоя қилишга ваъда беради. Бу воқеалар бўлиб турганда Урганч яқинига кўпгина мўғул кучлари келиб тўпланади. Шимол томондан Жўжи, Бухоро тарафдан Чигатой ва Ўғадойнинг аскарлари келади, 1221 йилнинг бошида, қишда Урганч қамал қилинади; Урганч катта шаҳарлар орасида мўғулларга кучли қаршилик кўрсатган шаҳар эди.¹

Шаҳар аҳолиси қамалга зўр тайёрланади. Аммо Хумортегин юраксизлик қилиб шаҳар дарвозасини мўғулларга очиб бериб таслим бўлади. Мўғуллар шаҳар дарвозаларидан бостириб кириб, баъзи маҳаллаларни эгаллайдилар. Жанг бошланиб кетади. Халқ қадрдон шахрининг ҳар бир қарич ерини мардона ҳимоя қилиб, мардлик ва фидокорлик намуналарини кўрсатади. Шунга қарамай, шаҳар беш ой давом этган қамалдан сўнг таслим бўлади. Ғазабланган мўғуллар шаҳарни талон-торож қиладилар ва аҳолисини

¹ Хоразм тарихи. 1-жилд. – Ургенч, 2007. 43-44 б.

қирадилар. Манбаларда кўрсатилишича, ҳар бир жангчига 24 тадан асир берилган. Шундай қилиб, Урганч қамалида 50 минг аскар қатнашган¹ Ибн Асир Урганчнинг ҳалокатини мана шундай тасвирлайди: «Мўғуллар тўғонни очиб юбордилар, бутун шаҳарни сув босди, ҳамма иморатлар бузилди .. Шаҳарда яшовчилардан ҳеч ким омон қолмади... Ҳамма нарса ер билан яксон бўлди».

Урганчнинг таслим бўлишидан илгари 1221 йилнинг баҳорида Чингизхон Балхни, сўнгра эса катта жанг ва узоқ қамалдан кейин Марв шаҳрини олган.

1221 йилда Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлик қилар эди. Энди бу ерда Чингизхонга ҳеч ким хавф-хатар солмас эди. Лекин ғарбда -Эронда ва шарқда-Ҳиндистонда кураш давом этмоқда эди. Жалолиддин Эроннинг Хуросон ва бошқа вилоятларига қарши юриш қилганида мўғулларга қарши курашни давом эттириш учун у ерлардан ўзига керакли кучлар топишни мўлжаллаган эди. У Нисо, Нишопур, Ҳирот, Ғазна, Эрон ва Афғонистоннинг бошқа шаҳарларини айланиб чиқиши керак эди. Чингизхон ўз отрядига Хуросонга бориладиган йўлни кузатиб туришни буюради. Нисо ёнида 700 кишилиқ мўғул отряди пойлоқчилик қилди. Жалолиддин ана шу отряди билан жанг қилди. Жанг мўғулларнинг мағлубияти билан тугади. Сўнгра Жалолиддин Ғазнага 30 минг кишилиқ кўшин билан кириб борди. Ғазнада ҳам худди шунча аскар бор эди. Унинг кўшинида амирлар -афғон ва қарлуқларнинг сардорлари бор эди. Бу отрядлар яхши қуролланган, уларнинг тажрибали лашкарбошилари бўлса ҳам ҳали жипслашган мустақил бир кўшин эмасди. Кўчманчи ва ўтроқ феодаллардан бўлган айрим лашкарбошилар ўртасида тез-тез низолар бўлиб турар ва бу низолар кўшинларни бошқаришни қийинлаштирарди. Жалолиддин феодаллар кўшинидаги ички зиддиятларни енгиб чиқди ва ўзбошимча

¹ Хоразм тарихи. 1-жилд. – Ургенч, 2007. 47 б.

лашкарбошиларни бир-бири билан иноқлиштириб, мўғулларга қарши даҳшатли кучга айлантирди. Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин мўғулларнинг қорама-қора таъқиб қилиб келаётганлигини билиб, шошилинич суратда катта жангга тайёрланди. Панжшер водийсидаги Парвона яқинида катта жанг бўлди ва бу жанг синалган лашкарбоши Шиқи-Хутуху бошлиқ мўғул қўшинининг батамом мағлубияти билан тугади. Чингизхон олдида қўшиннинг тирик қолган озгина қисмигина қайтиб келади. Бу ғалаба кучларнинг бирдамлиги ва ғалабага ишончни билдирган бўлса, мўғуллардек кучли душманни ҳам енгиш мумкинлигини ҳам яққол кўрсатди.

Чингизхон ўзига тенг рақибга дуч келганлигини билиб, Жалолиддиннинг катта куч тўплашига халақит бериш учун барча чораларни кўрди. Мўғуллар устидан ғалаба қозонилганидан кейин олинган катта ўлжа туфайли Жалолиддиннинг лашкарбошилари ўртасида ўзаро жанжаллар бошланди. Бу жанжаллар лашкарбошиларнинг ўз ерларига кетиб қолишлари билан тугади. Қўшинлардаги аскарларнинг камайиши бундан кейинги жангларга маълум даражада таъсир қилди.

Чингизхон тўппа-тўғри Ғазнага қараб бормокда эди. Жалолиддин эса урушсиз чекиниб, Ҳинд дарёси қирғоқларига яқинлашиб борди ва бу ерда 1221 йилнинг ноябрида қаттиқ жанг бўлди. Мўғулларнинг пистирмаларга қўйилган 10 минг кишилик сараланган отряди жангнинг оқибатини ҳал қилди.

Хоразмшоҳ таслим бўлишни ва ўз оиласининг мўғуллар қўлида қолишини хоҳламай, хотини, онасини ва болаларини тик қирғоқдан дарёга ташлаб юборди, ўзи эса отда Ҳинд дарёсининг нариги қирғоғига сузиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Душманининг жасоратига қойил қолган Чингизхон ҳатто уни таъқиб қилиш фикридан ҳам қайтди. Жалолиддин билан бирга унинг 4 минг аскари ҳам қутулиб қолди. Жалолиддин мўғулларга қарши курашини давом эттириш мақсадида Закавказьеда кучли давлат барпо этмоқчи бўлди. Лекин у ерда ҳам феодаллар ўртасидаги низолар унинг бу

орзусини рўёбга чиқишига тўсқинлик қилди. 1227 йилда Кичик Осиё, Сурия ва бошқа вилоятларнинг ҳокимлари Жалолиддинга қарши иттифоқ туздилар. Жалолиддиннинг Грузия ва Арманистоннинг христиан ҳокимларига душманларча қилган хатти-ҳаракатлари натижасида бу халқларнинг унга қарши иттифоқи вужудга келди. Шундай қилиб, унинг Закавказьедаги обрў-эътиборига путур етди ва мўғулларга қарши курашнинг истикболи қоронғи бўлиб чиқди. Жалолиддин 1231 йили Курдистон тоғларида ҳалок бўлди.

Жалолиддин халқ оммасига таянмади. Унинг Хоразмга қилган юришлари давлатини сақлаб қолишга ва мўғуллар истилосига қарши қаратилган бўлса да, аммо у ғалабага эриша олмади.

Чингизхон Жалолиддинни тор-мор қилиб, Шарқий ва Ғарбий Афғонистонни забт этди. Чингизхоннинг 1227 йилда вафот этиши унинг ғарб томонга силжиб боришини тўхтатди.

Шуни қайд қилиш лозимки, Самарқандни босиб олгач, Чингизхон ўз кўшинларини бир нечта отрядга бўлиб, уларни Ўрта Осиё ва Хуросондаги йирик шаҳарларни босиб олишга жўнатади. Учта катта шоҳзода — Жўжи, Чиғатой ва Уқтой — Урганч томон юриш қилишади. Хуросонга эса кенжа ўғил Тулуй юборилади. Унинг кўшинларининг етакчи қисмлари Нисо ва Сабзаворни эгаллашади. Тулуй эса Марвни ҳеч қаршиликсиз эгаллайди. Кейинчалик у Нишопурни талон-тарож қилиб, вайронага айлантиради. Бу шаҳар майдонига арпа экилади. Шаҳарлардаги аҳоли шафқатсиз қириб ташланади. Тулуй Тус, Ҳирот, Таликонни ҳам вайронага айлантиради. Натижада бутун Хуросон талон-тарож қилиниб, вайрон қилинади. Бомийён шаҳри ҳам ер билан яксон қилинади¹.

Феодаллар халқ оммасини босқинчиларга қарши курашга чақиришдан кўрқадилар. Зодагонлар асосан мўғуллар билан келишиб, қаршилик кўрсатмасликка интилардилар. Дехқонлар эса қуролланмаган эди. Аммо шаҳарлардаги аҳоли душманга қаттиқ қаршилик кўрсатар эдилар.

¹ Егоров В.Л. историческая география Золотой Орды в XIII-XIV вв. – М.:Наука, 1985. С. 187-188

Тарихдан маълумки, кўчманчи қабилаларнинг , хоҳ улар араблар-бадавийлар бўлсинми, хоҳ турклар-ўғузлар ёки бошқалар бўлсинми, ўтроқ деҳқончилик воҳаларига босқинлари ҳар доим талон-тарожлар ва вайронагарчиликлар билан тугалланарди. Бунда улар стихияли характерга эга бўлган. Чингизхон ва унинг саркардалари эса атайин ёвузликларни уюштирганлар, деҳқончилик воҳаларини ва шаҳарларни ер билан яксон қилиш, аҳолини қириб ташлашни режалаштириб қўйганлар. Бу усулнинг ташаббускори Чингизхоннинг ўзи бўлган. В.В.Бартольднинг фикрича, бу ҳолат мўғул қўшинларининг умумий миқдоридан келиб чиққанки, мўғуллар қўшини 200 минг кишидан ортмаган, улкан босиб олинган ҳудудларни итоаткорликда сақлаш учун бу албатта етишмаган. Шунинг учун ҳам қаршилик кўрсата оладиган одамларни оммавий қирғинбарот қилиш, террор тизимини амалга ошириш йўли билан Чингизхон бўйсундирилган халқларни кўрқитишга ва заифлаштиришга, босқинчиларга қарши уюштириладиган кўзғолонларнинг олдини олишга интилган¹. Бу тизимга қарши Чингизхоннинг ўғиллари – Жўжи ва Уқтой чиққанлар, аммо кўпчилик мўғул кўчманчи феодаллари бу тизимни қўллаб-қувватлашган, чунки бу усул сонсиз ўлжаларни олишга ёрдам берарди.

Хуллас, Чингизхон ва унинг саркардалари Ўрта Осиё ва Хуросонни босиб олиб, Тинч океандан то Каспий денгизи қирғоқларигача чўзилган улкан Мўғуллар империясига асос солишди.

Мўғулларнинг асосий ҳарбий кучлари ватанларига қайтган бўлишса-да, Шарқий Эроннинг бўйсундирилган вилоятларида босқинчиларнинг катта бўлмаган отрядлари ўз оилалари ва чорвалари билан бирга қолиб кетишди. Яқин орада гуллаб-яшнаган воҳалар эндиликда яйловларга айлантирилди. Мўғулларнинг босқинлари бутун мусулмон Шарқини ўзининг шафқатсизлиги билан ва вахшийлиги билан ларзага келтирган эди.

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. М., 1963. С.87

Мўғулларга қарши курашиш учун доимо ўзаро низоларда бўлган барча феодал ҳукмдорлари бирлашиши лозим эди, бироқ бундай бўлмади.

1228 йилда мўғулларга қарши қаҳрамонона курашаётган Жалолиддин Мангубердининг қўшинлари Исфахон ёнидаги жангда мўғуллар устидан ғалаба қозонди. Бироқ катта йўқотишлар сабабли душман кетидан қувиб бормади. 1229 йилда эса Эронга нўён Чормагун бошчилигида янги мўғуллар қўшини кириб келади ва Жалолиддинга қарши уруша бошлайди. 1231 йилда заифлашган Жалолиддин қўшин қолдиқлари билан Жанубий Қурдистонга қочиб кетади. Тез орада у Амид шаҳри ёнида (Диярбекир, Туркия) халок бўлади.

Жалолиддин вафотидан кейин мўғуллар Озарбайжон, Арран, Ширвон, Грузия, Арманистонни босиб олишади (1231 - 1239 йй). Айни вақтда Эрондаги мўғул босқинлари ҳам давом эттирилади.

1237 йилда Исфахон, Жазира (Юқори Месопотамия) босиб олиниб, талон-тарож қилинади. Мўғул қўшинлари Ғарбдаги қўшни вилятларни ҳам талон-тарож қиладилар. Хусусан, 1231—1236 йилларда Мосул, Нисибин, Мардин, Дийарбекр, Бидлис шаҳарлари мўғуллар томонидан талон-тарож қилинади. XIII аср 40-чи йиллар ўрталарида мўғуллар Кичик Осиёдаги Салжуқийларнинг Рум султонлигига зарба беришади. 1243 йилда Кёсе-доғ ёнидаги жангда Рум султони Салжуқий Ғиёсиддин Кайкубод тор-мор қилинади. У мўғулларга бўйсуниб, уларга ўлпон тўлайдиган бўлади.

XIII аср 50-чи йилларига келиб, мўғул босқинчилари Хуросон, Сейистон, Мозандарон, Форс Ироқи, Озарбайжонни босиб олишади. Эроннинг жануби ва жануби-ғарбида мўғуллар босқинчилиги унча катта талафот келтирмайди. Бу ҳудуддаги мулклар мўғул хонларига турлича муносабатда бўлишади.

Жумладан, Керманда қорахитойлар сулоласи ҳукмронлик қилган бўлиб, унинг асосчиси Бурак хожиб Еттисувда қорахитойлар давлати халок бўлганидан кейин Муҳаммад Хоразмшоҳ билан бирлашади, мўғуллар босқин

даврида эса Керман ва Керман вилоятини эгаллаб олади. Мўғул хонидан у ўл мулкига руҳсатнома (тамға) ва “қутлуғ-хон” унвонини олади.

Форс отабек Абу Бакр ҳукмронлиги остида бўлади (1230— 1260 йилларда ҳукмронлик қилган). У Салгурийлар сулоласининг вакили бўлиб, бу сулола ўз пойтахтлари — Широз шаҳрини ҳар томонлама юксалиши учун ҳаракат қилишади. Ўша даврда Широзда буюк шоир Саъдий Шерозий ҳам яшаган (1184—1291).

Луристон X аср бошларидан икки қисмга – жануби-шарқий , Катта Лур (Хазораспийларнинг отабеклар сулоласи), ва шимолий-ғарбий, Кичик Лурга бўлинган эди. Кичик Лурда ҳам мустақил отабеклар сулоласи ҳукмронлик қилган.¹

Луристондан ғарбда Абосийлар халифалигининг мулклари жойлашган. Исмоилийларнинг Аламутлар давлати мўғуллар босқинига учрамаган.

Буюк хон Уқтой ҳукмронлиги даврида (1229-1241 йй) улкан мўғуллар империяси ички бошқарув тизимини тартибга солиш ҳаракатлари қилинди. Уқтой молия ишларини бошқаришни ўз маслаҳатчиси, киданлардан келиб чиққан Елуй Чуцайга топширди. Бошқа ҳарбий ва фуқаролик ишларни бошқаришни эса учта туманбошига юклатди. Почта хизматини йўлга қўйишга катта эътибор берилди. Аҳоли томонидан солиқлар тўлаш ва мажбуриятларни бажарилишини тартибга солиш чора-тадбирлари кўрилди. Уқтой томонидан эълон қилинган қонун ғарбий мамлакатлардаги вояга етган эркаклардан жон солиғини киритди. Кўчманчилардан ҳар бир юз қўйдан битта қўй олинарди. Бу қонун империяда илгари ҳукмрон қилган тузум, яъни ҳар бир овул унинг аҳолиси билан бирга мўғул нўёнларидан бирига берилган тартибдан воз кечишга асос солди. Хон фармони буюк хон хазинасига қайси солиқлар келиб туришини, қайсилари маҳаллий

¹ История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века – Л., 1958. С 108

хукмдорлар қўлида қолиши кераклигини белгилаб берди. Аҳоли рўйхатдан ўтказилди. Барча аҳоли маълум маъмурий ҳудудларга бириктириб қўйилди¹.

Босиб олинган мамлакатлар ва вилоятлар маҳаллий феодаллар бошқаруви остига берилди, улар устидан бошлиқ этиб тайинланган нўён ўлпон тўланиши учун жавоб берган. Шу билан бир қаторда ўлпон тўловларини йиғиш бой савдогарларга ҳам топширилган.

Уқтой даврида Чингис-хон томонидан бошлаб юборилган Қаракорум шаҳрининг қурилиши ниҳоясига етказилди. Бу шаҳар Мўғул империясининг пойтахти бўлди. Унда кўпсонли ҳунармандлар, жумладан босиб олинган мамлакатлардан келтирилган ҳунармандлар истиқомат қилишарди.

Империядаги халқ аҳоли жуда оғир эди. Елуи Чуцайнинг маълумот беришича, олий мансабдорлар суд ва мансабларни сотардилар, қамоқхоналар судхўрлар талон-тарожига чидамасдан уларга қаршилик кўрсатган айбсизларга тўла бўлган. Халқ оммасининг норозилиги очик намойишларга айланди. Уқтой вафотидан 3 йил олдин Ўрта Осиёда Маҳмуд Торобий кўзғолони бўлиб ўтди, унда деҳқонлар ва ҳунармандлар иштирок этди.

Уқтой ўлими тахт учун курашни авж олдирди. 1245 йилда бўлиб ўтган қурултойда Уқтойнинг ўғли Гуюк хон этиб сайланди. Рим папаси Иннокентий IV томонидан буюк хон қароргоҳига юборилган Францискан роҳиби Плано Карпини, Грузия подшоҳининг иккита ўғли, рус князи Ярослав Всеволодович (Александр Невскийнинг отаси), Бағдод халифаси Мутасимнинг элчиси, Хитой мансабдорлари бу воқеа содир бўлганда иштирок этдилар ва гувоҳликларини ёзиб қолдирдилар. Хон қароргоҳига Плано Карпинининг келиши, яқин орада унга Франция кироли Людовик IX элчиси Гильом де Рубрукнинг қўшилиши Ғарбий Европа хукмдорлари Буюк Мўғуллар империяси тўғрисида маълумотлар йиғишга, унга нисбатан ўз

¹ Егоров В.Л. Историческая география Золотой Орды в XIII-XIV вв. –М.:Наука, 1985.

сиёсатини белгилаб олишга интилаётганини кўрсатарди. Бу давр сўнгги Салб юриши даври эди¹.

Гуюк-хоннинг ҳукмронлиги жуда қисқа эди: у 1248 йилда унинг ҳокимиятини тан олишдан бош тортган Боту-хонга қарши юришга тайёргарлик вақтида вафот этди. Ўзаро низолар бошланиб, Жўжихон ва Тулуйхон авлодлари Уқтой ва Чигатой авлодларига қарши курашдилар. 1251 йилда Ботухон тарафдорлари кўпчиликни ташкил этган курултой Тулуйнинг ўғли Мункени буюк хон этиб сайлади. Янги хон Уқтой ва Чигатой авлодларига қарши чиқди, улардан ер эгаликларининг катта қисми тортиб олинди ва Боту ҳамда Мункенинг эгаликларига қўшиб олинди.

Олдинги хонлар сиёсатини давом эттириб, Мунке укаси Хулагуни қўшин билан ғарбга юбориб, Эронни бўйсундиришни топширди. Бошқа укаси Хубилайни эса Хитойни бутунлай босиб олишга юборилган қўшинга саркарда қилиб тайинлади.

Юришни бошлашдан олдин Хулагу мўғул қўшинларини кучайтириш тадбирларини кўрди, бўйсундирилган мамлакатлар ҳукмдорларидан отрядларни жўнатишни талаб қилди. 1256 йил охирига келиб у Эронни бўйсундирди ва исмоилийлар қалъаларини босиб олди. 1258 йил февралда у бағдодни қўлга киритди. Хулагу Мисрга ҳам юриш қилмоқчи эди, аммо 1260 йилда мўғуллар Айн-Жалут ёнидаги жангда мағлубиятга учрадилар ва орқага чекинишга мажбур бўлдилар. Босиб олинган Эронда эса Хулагу сулоласи бошчилигидаги элхонлар давлати барпо қилинди.²

Хулагунинг ғарбга юриши билан бир вақтда Хубилай қўшинлари Жанубий Хитойга бостириб кирдилар. Хубилайнинг юриши 1259 йилга Мункенинг вафот қилгани туфайли тугатилди. Кейинги воқеалар эса Мўғуллар империясининг ички заиялигини ва мустаҳкам эмаслигини кўрсатди.

¹ История стран Азии и Африки в средние века. Часть 1. М.:МГУ, 1987. С.218

² Греков Б.Д. Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. – М., 1950. С. 98-99

Бу даврга келиб Мўғуллар империяси ўз ичига улкан ҳудудни киритган бўлиб, унда кўпсонли қабилалар, халқлар ва элатлар истиқомат қилишарди. Улар турли тилларда сўзлашарди, турли даражадаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт поғоналарида турарди, турли-туман хўжалик тартиби, турмуш тарзи ва шакллари, урф-одат ва маросимлар, кўникма ва малакага эга эдилар. На иқтисодий ва на маданий манфаатлар империянинг турли қисмларини ўзаро боғламасди. Бу типик ҳарбий-маъмурий бирлашма эди.

Империянинг марказий қисмини буюк хонлар домени – Мўғулистон ва Шимолий Хитой ташкил этарди. Ғарбда Уқтой авлодлари улуси жойлашган бўлиб, унга Олтой тоғларидан шарқдаги ва ғарбдаги ҳудудлар кирарди. Бу улуснинг маркази ҳозирги Чунқгучак шаҳри бўлган. Империянинг учинчи қисмини Чигатой авлодларига қарашли улус ташкил этарди. Унга Ўрта Осиёнинг Амударёгача бўлган шарқий ҳудудлари кирарди. Бу улуснинг маркази Или дарёси бўйидаги Олмалик шаҳри (ҳозирги Кулжи) бўлган. Эрон, Ироқ ва Кавказorti ҳудудлари Хулағунинг улусига кирарди. Унинг маркази Табриз шаҳри бўлган. Империянинг охириги, бешинчи қисми Жўжи авлодларига қарашли бўлиб, «мўғул отларининг туёқлари етиб олган» барча ерлар, яъни мўғулларнинг Шарқий Европадаги босиб олинган ҳудудлари кирарди. Жужийларнинг пойтахти Волга дарёси қуйи оқимидаги Сарой шаҳри эди (ҳозирги Астрахан ёнида).¹

Мунке Буюк Мўғуллар империясининг мўғул нўёнлиги томонидан тан олинган сўнгги ҳукмдори бўлди. Унинг вафотидан кейин империя парчаланиб кетди. Унинг вафотидан кейин буюк ҳокон тахтига иккита даъвогар – Хубилай ва унинг укаси Ариғ-буғалар пайдо бўлди. 1260 йилда Хубилай ўз саркадалари ва сафдошларини йиғди, улар уни буюк хон деб эълон қилишди. Айни вақтда Қоракорумда қурултой бўлди, унда буюк хон этиб Ариғ-буға сайланди. Иккала буюк хон ўртасида уруш бошланиб, тўрт

¹ Греков Б.Д. Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. – М., 1950. С. 102

йил давом этди ва Ариф-буғанинг мағлубияти билан тугади. Бироқ бу урушда бошқа улуслар ҳукмдорлари, хусусан хулагуйлар ва жўжийлар авлодлари иштирок этишмади. Бу улуслар ҳукмдорлари кўпинча ўз ишлари ва етилиб бораётган ўзаро уруш билан овора бўлган эдилар. Уларнинг низоларига буюк хон аралашмаганди. Ғарбий улуслар эса амалда Мўғуллар давлатидан ажралиб чиқиб, мустақил давлатларга айланди. Эндиликда Буюк Мўғуллар империяси ўз ичига фақат Мўғулистон ва Хитойни киритган бўлиб, Хитой хануз охиригача эгалланмаган эди¹.

1.3. Эронда элхонлар Хулагулар давлатининг ташкил топиши

Хулагу-хон ўзининг бутун қўшини билан Эронда қолади. Хулагу-хон бу ерда ўзбошимчалик тарзда ўзи ва ўз авлодлари учун ўзига хос мўғуллар улусини тузади. 1261 йилда буюк хон Хубилай-қоон унга янгидан босиб олинган ерларга ва мўғулларнинг Эрондаги эски мулкларига инвестирура ни юборади ҳамда элхон унвонини беради.¹

Хулагулар давлатига 1258 йилда асос солинди, деб ҳисобланади. Шимолда Кавказ тоғ тизмаси Олтин Ўрда билан барқарор чегара бўлган. Кавказортида Грузия ва Ширвоншоҳлар давлати Хулагу-хоннинг вассаллари бўлишган. Қора денгиз бўйларида Хулагу давлатига катта бўлмаган грек-грузин мулки, 1204 йилда ташкил топган – Трапезунд империяси ўлпон тўларди. Ғарбда, Кичик Осиёда, Салжукийларнинг Рум султонлиги ҳам Хулагуларга вассал бўлган. Хулагулардан вассаллик бўйсунганликни Киликиядаги Арман подшоҳлиги ҳам тан олган эди (1080— 1375), у Кичик Осиёнинг жануби-шарқида жойлашган эди. Арман подшоҳлиги кейинчалик Хулагуларнинг Миср султонлигига қарши курашида таянч бўлган. Фрот дарёси Сурия билан табиий чегара ролини ўйнаган. Форс кўрфази эса

¹ www.bankreferatov.ru

¹ История Востока – М., 1997. 329 б.

жанубдаги табиий чегара бўлган. Жануби-шарқда ҳинд князликлари билан куруқликдаги чегара дарёдан то Аму-Дарёгача чўзилган бўлиб, Термиз шаҳридан бирмунча шарқроқда ўтган. Ҳозирги Афғонистонда Хулагуларга вассал бўлган Куртлар мулки жойлашган бўлиб, пойтахти Ҳирот шаҳри эди. Шарқда Аму-Дарё мўғулларнинг Чиғатой давлати билан чегара эди. Шимолда, Урганчдан жанубда, Каспийнинг шарқий қирғоқларигача Олтин Ўрда билан чегара мавжуд эди. Каспий денгизи Хулагу давлатини шимолдан ювиб турарди, фақат катта бўлмаган, бориш қийин бўлган Гилон вилояти узоқ вақт давомида ўз мустақиллигини сақлаб қолган эди.

Олтин Ўрда, Чиғатойлар давлати ва Миср ва Суриянинг мамлуклар султонлиги Хулагулар давлатига душманларча муносабатда эди. Миср, мамлуклар гвардиясидан илгари суриладиган султонлар ҳукмронлиги остида бўлиб, Яқин Шарқдаги иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ва нисбатан марказлашган феодал давлати эди.

1261 йилда мамлуклар ўзларига Сурияни бўйсундиришди, 1291 йилда улар Фаластиндаги мамлуклар Сурияни ўзларига бўйсундиришади. 1291 йилда улар томонидан хочташувчиларнинг Фаластиндаги сўнгги мулклари босиб олинди. Бундан кейин Қоҳира ва Александрия Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо-сотиқда воситачи бўлиб қолишади. Бу эса Миср учун фаровонликнинг бир манбаи бўлиб, 2 аср давомида даромад олиб келган эди.

Сурияни босиб олмоқчи бўлган Хулагулар давлатига қарши курашда Миср султонлиги Олтин Ўрда билан муносабатларига чек қўйди. Мамлук султонлари “динсиз” (кофир)ларга қарши “ислом ҳимоячилари” ролини ўз зиммаларига олишди. Кофирлар деб улар мўғуллар ва хочташувчиларга аташарди.

Миср билан уруш Хулагуларнинг Суриядаги хочташувчилар билан, Европадаги христиан давлатлари билан, айниқса Франция ва Генуя билан муносабатларини узоқ давом эттирилишига олиб келди. Дастлабки элхонлар давридаёқ бир томондан улар ва иккинчи томондан, Франция, Англия ва Рим

папаси ўртасида элчилик айирбошлалари мавжуд бўлиб, унинг мақсади мамлукларга қарши “Худо тобутини қутқариш” учун ягона иттифок тузишдан, яъни биргаликда Сурия ва Фаластинни босиб олишдан иборат эди. Сурия ва Фаластинни Хулагулар ўзларининг христиан вассаллари – хочташувчиларга беришга ваъда берган эдилар.

Хулагулар давлати тузилган ва яшаган халқаро вазият ана шундай эди. Узлуксиз ва кўп ҳаражат талаб қиладиган урушлар деярли барча чегара ҳудудларда олиб борилган бўлиб, Хулагулар давлатининг ички сиёсатига катта таъсир кўрсатди.

2-БОБ. ЭРОН ХУЛАГУЛАР ДАВЛАТИ ХУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА

2.1. Эронда Хулагулар давлати ҳукмронлиги

Хулагу мўғулларнинг Яқин Шарққа юришларига бошчилик қилган, Эрон, Ироқ ва уларга қўшни мамлакатларни босиб олинганини ниҳоясига етказган. 1256 йилда Эрондаги исмоилийлар давлатини тор-мор келтирган, 1258 йилда Аббосийлар халифалигини босиб олган. 1259-1260 йиллари Суриядаги Айюбийлар сулоласи билан уруш олиб борган. 1261 йилда Хубилай Хулагуни барча босиб олинган ҳудудларнинг ҳукмдори деб тан олган ва унга элхон унвонини берган. Элхон – давлатнинг бир қисмига ҳукмрон ҳисоблан хон демакдир.

Хулағунинг хотини Докўз-хотун ва саркарда Кит-Буға несториан тармоғидаги (мазҳабидаги) христиан бўлишган. Бироқ, Докўз-Хотуннинг хоҳиш-истагига қарши ўлароқ умрининг охириги йилларида Хулагу буддавий эътиқодларга қизиққанлиги маълум.

1262 йилда Хулағуга қарши унинг амакисининг ўғли Берке, Жужи улусининг ҳукмдори чиқади. Бу урушнинг мафкуравий асоси шунда эдики, мусулмон бўлган Берке Хулагу буйруғига кўра қатл эттирилган аббосийлар халифаси ал-Муътасим учун қасос олмоқчи эди. Бундан ташқари Жужилар Кавказортидаги ҳудудлар (Арран ва Озарбайжон) ни қўлга киритмоқчи бўлганлар. Улар бунга асос қилиб Чингизхоннинг васиятномасини кўрсатардилар. Амалда эса Кавказортида ҳокимият тепасида 1250 йиллар ўрталаригача буюк хоннинг ноиблари Чормаган, 1243 йилдан эса — Байжу турарди. Улар Ботунинг Жанубий Озарбайжон ва Кичик Осиёда ўз сиёсатини ўтказишга ҳалақит беришарди.

Боту буюк хон Мунке буйруғига биноан Хулағуга 3 туманга яқин қўшин юборади. Бу қўшинларга Балакан, Тутар ва Қули қўмондонлик

килишади. Кейинчалик бу кўшинлар Бағдодни босиб олишда иштирок этган. Мусулмон Берке ўша даврга келиб ҳукмдор бўлади. Хулагу Жужиларга Кавказорти ва Жанубий Озарбайжон ўлжанинг бир улуши сифатида беришга бош тортганидан кейин, амакиваччалар ўртасидаги адоват кучайди.

Бундан ташқари 1260 йил бошида Хулагу қароргода Балакан қатл этилади, Тутар ва Қули тўсатдан вафот этадилар. Берке уларни заҳарлашди деб тахмин қилади. У ўз кўшинларига Дашти-Қипчоққа қайтишга буйруқ беради агар имкони бўлмаса, Мисрга чекинишга буйруқ беради.

1262 йил августида Дербент ва Ширван орқали Нўғой бошлиқ 30-минг кишилиқ суворий кўшинлари бостириб кирганда, Аладагдан Хулагу кўшини уларга қарши чиқади. Унинг авангарди Ширемун- нўён кўмондонлигида 2 ойдан кейин Нўғой билан Шемаха ёнида тўқнашади ва мағлубиятга учрайди. Аммо 14 ноябр куни жанг майдонига Абатай-нўён кучлари етиб келгани да, Жужилар кўшинлари Шаберан ёнида тор-морқилинади, Нўғой эса қочиб кетади. 8 декабр куни Хулагулар кўшини Дербентга етиб келади. Жанг кун давомида давом этади, охир оқибат ўрдаликлар чекуинишга мажбур бўладилар.

Ширемун ва Абатай, Хулағунинг ўғли Абага билан бирлашиб, Терек дарёсидан кечиб ўтишади ва Нўғой қароргоҳини босиб оладилар. Берке эса қарши ҳужум уюштириб, 1263 йил январиди Терек дарёси бўйида жангда Хулагу кўшинларини мағлубиятга учратади.¹

Беркенинг кўшини Дербент орқасига ўтиб, шимолга қайтиб кетади. Айни ватда Хулагу, пойтахти Табризга қайтиб, урушни давом этт иришга тайёргарлик кўра бошлайди.

¹ Закиров С. Дипломатические отношения Золотой Орды с Египтом. — М.: 1966. — С. 15.

У Табризда савдо қилаётган олтин ўрдалиқ барча савдогарларни қатл эттириб, уларнинг мулкларини тортиб олишни буюради. Бунга жавобан Берке ўз мулкларига савдо қилаётган форс савдогарларини ўлдиради.¹

1265 йил январ ойида Хулагу касал бўлиб қолади ва ҳеч қандай хитой табиблари унга ёрдам бера олмайди. Элхон 1265 йил 8 феврал куни Жагату дарёси бўйларидаги жойда вафот этади. У ўзи қурдирган ёки тиклаган Тала қалъасида кўмилади. Бу қалъа Урмия кўлининг шимолий қисмида, Шоҳи оролидаги Маркутдоғ бурунида жойлашган; Рашид ад-Диннинг ёзишича «Диххареган қаршисидаги Шоҳу тоғида» жойлашган. Восифий маълумотида кўра унинг қабрига ҳарбий юришларда кўлга киритилган қимматбаҳо буюмлар билан бирга ёш қизлар ҳам тириклайин кўмилган экан². Кейинги Хулагулар вакилларининг қабрларида одам қурбонликлари аниқланмаган. Хулагу кўмилган жой кўриқ деб эълон қилиниб (*хориғ*), у ерда фақат хон уруғидан бўлган кишилар кўмилиши мумкин эди³. 1282 йилда у ерда Хулағунинг ўғиллари — Абагу ва Менгу-Темурни ҳам кўмишади. Мисрдаги манбаларга кўра, ҳижрий 681 йилда/ мелодий 1282-1283 йилларда қалъа вайрон бўлиб, барча хазиналари билан бирга кўлга чўқиб кетади. Форс манбаларида эса бундай офат ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Хулағунинг 14 та ўғли ва 7 та қизи бўлган.

- Ўғиллари
- 1. [Абага](#), Мўғулистонда туғилган, онаси Йисунжин-хотун, Эронга отаси билан келиб, унинг вафотидан кейин меросий ҳукмронлик қила бошлаган.
- 2. Жумукур, Мўғулистонда Гуюк-хотундан Абага туғилганидан бир ўтиб туғилган.

¹ [Вассаф. История Вассафа](#) // *Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды.* — М.: 1941. — С. 50.

² [Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и её падение.](#) — М., Л.: Издательство АН СССР, 1950.

³ *Рашид ад-Дин. Сборник летописей.* — Т. 3. — С. 63.

3. Юшумут, унинг онаси Нокажин-эгачи Кутуй-хотуннинг канизакги бўлган.
4. Текшин, Кутуй-хотундан туғилган.
5. Тарағай, Мўғулистонда канизак Борақчиндан туғилган.
6. Тубшин, Юшумутнинг онаси Нокажиндан туғилган.
7. [Текудер](#), Кутуй-хотундан туғилган.
8. Аджай, канизак Арикан-эгачидан туғилган
9. Конкуртай, канизак Эчучэ-эгачидан туғилган.
10. Йисудер, канизакдан туғилган.
11. Менгу-Темур (1256 — 1282), Ўлжой-хотундан туғилган.
12. Хулажу, канизак Иль-эгачидан туғилган.
13. Шибаучи, Иль-эгачидан туғилган
14. Тогай-Темур, канизакдан туғилган.

• Қизлари

1. Булуган-аға,
2. Жемей [?]
3. Менглюкан
4. Тудугеч
5. Тарагай
6. Кутлукан
7. Баба

Элхонлар

- Хулагу-хон (1217—1265), Тулуйнинг ўғли, элхон (тахм. 1261—1265)
- Абага-хон (1234—1282), Хулағунинг ўғли, элхон (1265—1282)
- Султон Аҳмад Текудер-хон, Хулағунинг ўғли, элхон (1282—1284)
- Аргун-хон, Абаганинг ўғли, элхон (1284—1291)
- Иринжин Доржи Гайхату-хон, Абаганинг ўғли, элхон (1291 — март 1295)

- Байду-хон, Тарағайнинг ўғли, Хулағунинг набираси, элхон (апрель — октябрь 1295)
- Султон Маҳмуд Ғозон-хон (1271—1304), Аргуннинг ўғли, элхон (ноябрь 1295—1304)
- Ғиёс ад-Дунийа ва-д-Дин Султон Муҳаммад Худобандэ Ўлжайту-хон (1278—1316), Аргуннинг ўғли, элхон (1304—1316)
- Изз ад-Дунийа ва-д-Дин Султон Абу Саид Муҳаммеа Баходур-хон, Ўлжайтунинг ўғли, элхон (1316—1335)

Оталиқдаги элхонлар

- Маҳмуд Арпа Койун-хон, Тулуйнинг ўғли Ариғ-Буғанинг ўғли Малик-Темурнинг ўғли Саланган (Синг-хон)нинг ўғли Суса-оғулнинг ўғли, элхон (1335—1336) вазир Ғиёс ад-Дина Рашидий оталиғида
- Мусо-хон, Байду-Хоннинг ўғли Алининг ўғли, элхон (1336) Ойрат амири Али-подишоҳ оталиғида
- Музаффар ад-Дин Муҳаммад-хон, Хулағунинг ўғли Менгу-Темурнинг ўғли Анбарчининг ўғли Эл-Темурнинг ўғли Йўл-Қутлуғнинг ўғли, элхон (1336—1338) Жалойирийлар оталиғида
- Сати-бек, Ўлжатуниг қизи, элхон 1338—1339, Чобанийлар оталиғида
- Сулаймон-хон, элхон (1339—1344), Чобанийлар оталиғида
- Ануширвон-хон, элхон (1344—1355), Чобанийлар оталиғида
- Изз ад-Дин Жаҳон Темур-хон, Гайхатуниг ўғли Алафрангнинг ўғли, элхон (1338—1344), Жалойирийлар оталиғида

Хуросон

- Туга-Темур, Чингиз-хоннинг укалари Жучи-Хасарнинг авлоди ёки Тэмүгэ-Отчигиннинг авлодидан¹, Хуросон элхони (1338—1352)

¹ *Ғасих ал-Хавафи. Ғасихов свод.* — Ташкент: 1980. — С. 62. Прим. 295.

2.2. Эронда Хулагулар олиб борган сиёсат ва бошқарув шакли

Хулагулар давлати Мўғуллар империяси каби ташкил этилган эди. Давлатдаги олий ҳокимият элхоннинг қўлида эди. Мўғул шахзодалари, нўёнлар, амирлар хоннинг вассаллари ҳисобланган. Хукмрон синфга тааллуқли бўлганлари учун улар хондан катта ер мулклари ёк алоҳида шаҳарларни олишарди, даромад уларнинг фойдасига тушарди. Бу мулкларнинг эгалари ўз мулкларида яшамасдилар ва уларни бошқармасдилар. Мулклар давлат мансабдорлари қўлида жамланган эди. Турк ва мўғул кўчманчи феодаллари мўғул қўшинларининг ҳарбий бошлиқлари эдилар. Улар қабила-уруғ бўлинишини сақлаб қолиб хоннинг буйруғи билан ўз қўшинлари билан ҳарбий хизматга етиб келишлари зарур эди.

Элхон ва мўғул зодагонлари кўчманчи турмуш тарзини олиб боришда давом этардилар. Улар овлар, зиёфатлар уюштиришар, ҳарбий юришларга борардилар. Элхон маълум бир жойда яшамаган. Йилнинг бир қисмини у Бағдод ёки Табризда ўтказар, қолган вақтни эса яйловларда ўтказар эди. Айниқса ажойиб яйловлари бўлган Озарбайжон мўғул босқинчиларига жуда ёқиб қолган эди¹.

Грузия, Рум, Луристон, , Форс, Кермана, Йезд, Ҳирот, Афғонистон ва бошқа жойлардаги эски маҳаллий сулолалар Хулагу Эронга кириб келганида унга бўйсундилар, унинг вассаллари бўлганлар, бироқ ўз мулкларини фақат элхон вакиллари назорати остида бошқаришлари мумкин эди. Бу вакиллар боскок, ёки форсча шихна деб аталарди. Киликиядаги арманлар давлати бирмунча мустақил эди.

Ўтроқ аҳоли истиқомат қилган улкан ҳудудни бошқариш учун мўғул хукмрон доираларига маъмурий ва солиқ аппаратини тузиш керак эди.

¹ Петрушевский И. П. Иран и Азербайджан под властью Хулагуидов (1256–1353 гг.) // Татаро-монголы в Азии и Европе : Сборник статей. — М.: Наука, 1977. — С. 235.

Мўғуллар ўз маданият салоҳиятига эга бўлмагани туфайли, бу ишга яъни бошқарувга маҳаллий эронликларни жалб этишга мажбур бўлишди.

Мўғулларга керакли кадрлар шаҳарларда яшовчи эрон зодагонлари орасидан топилди. Катта зодагон эронлик оилалар фуқаролик бюрократия ва руҳонийларга, шу билан бирга йирик мулкдорларга тааллуқли эдилар. Бундай оилалардан бири Жувайнийлар оиласи бўлган. Шамс-ад-дин Муҳаммад Жувайний машҳур тарихчининг акаси бўлибЮ, Хулагу саройида вазир бўлган.

Мусулмон руҳонийлари – саййидлар, уламолар, шайхлар ўз итисодий қудратини йўқотмадилар. Уларнинг вақф мулклари ҳам сақланиб қолди. Руҳоний ва мансабдор зодагонлар савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланар эди.¹

Хулагулар давлатида феодалларнинг ҳукмрон доиралари 4 та ижтимоий гуруҳга бўлинар эди, улар бир-биридан келиб чиқиши, тили, дини ва турмуш тарзи билан фарқ қиларди:

1) ҳарбий кўчманчи зодагонлар — мўғул, турк, қурд; 2) фуқаролик маъмурият, форслардан иборат эди; 3) олий руҳонийлар — мусулмонлар, Кавказорти, Кичик Осиё ва Араб Ироқида христиан; 4) маҳаллий эрон зодагонлари, улар давлат аппарати билан боғланмаган эди.

Давлат бошқаруви аҳолидан имкон қадар катта даромад олиш мақсадини кўзларди. Фуқаролик бошқарувининг бошлиғи буюк девон вазири (саҳиб-диван) бўлган. У хазна, солиқ тўплаш, давлат даромадлари ва ҳаражатлари, иш юритишга масъул эди. Ҳунармандчилик устахоналарини назорат қиларди. Алоҳида вилоятларда ва йирик шаҳарларда молиявий мансабдорлар ўтирарди,

Биринчи элхон Хулагу-хон ўзига хос шахс бўлган. У Чингизхоннинг севикли набираларидан эди. Эрон ҳукмдори бўлиб қолган хулагу ўзининг

¹ Петрушевский И. П. Иран и Азербайджан под властью Хулагуидов (1256–1353 гг.) // Татаро-монголы в Азии и Европе : Сборник статей. — М.: Наука, 1977. — С. 237.

кўчманчи феодал одатларини ташламади. Ўз қароргоҳи билан у йилига бир неча марта у жойдан бу жойга кўчиб юрарди. Овлар ва иёфатлар уюштирарди. Мўғул-кўчманчиларнинг анъаналари ва Буюк Ясо қонунлари у учун давлат ва шахсий ишларида дастуруламал бўлиб хизмат қилган. Чингизхон каби хулагу ҳам душман қароргоҳидаги зиддиятларни ўз фойдасига айлантира оларди.

Хулағунинг эътқоди шаманизм бўлса-да, у бошқа динларга сабрли ва бағрикенг бўлган. Айниқса у христианларни қўллаб қувватлаган. Унинг онаси ва хотини Докуз хотун кераитлар қабиласидан бўлиб, христиан динига эътиқод қўйишган эдилар. Шунинг учун ислом ҳимоячилари ролида чиққан Миср султонларига қарши курашда Хулагу грузин ва арман христиан феодалларидан фойдаланган. Одамларни ўз хизматига қабул қилганида, уларнинг диний мансублигига қарамаган. Фуқаролик бошқарув бошлиғи этиб у мусулмон, форсийлардан бўлган Шамс-ад-дин Муҳаммад Жувайнийни тайинлаган; сарой табиби эса хитойлик бўлган.

Кўчманчилигича қолган бўлса-да, хулагу қурилиш ишлари билан шуғулланган. Аладагда у сарой қурдирган, Хойяд – будда ибодатхонсини барпо этган, Хабушанда — жархона қурдирган. Айниса 1259 йилда Мараге шаҳрида буюк форс математики ва астрономи Насируддин Тусий раҳбарлигида қурдирган расадхона ажойиб иншоот бўлган. Расадхона қошида катта кутубхона бўлиб, у ерда форс, араб, хитой ва ҳинд олимлари ишлар эдилар. Хулагу-хон олимлар ва табибларни рағбатлар эди, уларга маош берарди. Айни вақтда у ҳам, бошқа элхонлар каби жуда художўй эди. Башоратчилар, астрологлар, руҳонийлар унинг маслаҳатчилари бўлганлар. У ўз саройида астрологлар ва алхимикларни тўплаган, улар унга “фалсафий тамал тошни” топишга, сунъий олтин тайёрлашни ўргатишга ваъда беришиб, унинг бойликларини талар эдилар. Рашид-ад-Диннинг гувоҳлик беришича, астролог ва алхимиклар турли тажриба ўтказсаларда, фойдас бўлмасди. Урушлар пайтида ўлжа олинган хазинани Хулагу-хон Урмия кўли ёнидаги

Шаҳи тоғидаги хазинахонага жойлаштирган эди. У ерда у кўмилган эди Ер кимирилаш пайтида тоғ қулаб, хазина кўлга тушиб, ғарқ бўлди.

2.3. Ислон Мовароуннахр ва Форсда

Битирув малакавий ишимизнинг ушбу бандида Эронда ислом тарихида из қолдирган ҳукмдорларнинг ҳукмронликлари ҳақида қисқача шарҳ бериб ўтишни жоиз топдик, чунки Хулагулардан кейин Эрон тарихида ҳукмронлик қилган Темурийлар ҳақида Ўзбекистон тарихидан яхши биламиз.

ЭЛХОНЛАР(1260-1320). ХУЛАГУ. Ислон тарихи яна Бағдодга қайтади. IV бобда айтиб ўтилганидек, бу шаҳар Хулагухон ва унинг монгол сафдошлари томонидан вайрон қилинди. Бироқ монголлар ўта ваҳший эдилар, қирғин қилиш, ўт қўйиш ва вайрон этишдан бошқа нарсани билмасдилар, деб ўйлаш хато бўларди. Албатта улар Ислон дунёсининг катта қисмини хароб қилиб, араб маданияти ривожига ҳалокатли зарба бердилар, бироқ Оксос (Амударё)дан жанубда ўзлари истило қилган ва Хулагухонга Элхон унвонини берган мамлакатларда узоқ қолиб кетмадилар. Лекин ўша пайтда Кичик Осиё ва Шомнинг Ҳиндистон чегараларигача бўлган бутун худуди Элхонот деб атала бошлади. Хулагухон авлодлари бу минтақада қарийб юз йил ҳукм сурдилар. Хулагухон забт этилган мамлакатларни тиклаш тўғрисида фармон чиқарди, ўзлари вайрон қилган илмгоҳларга қайта ҳаёт бағишлади. Бу борада унинг шахсан ўзи ғамхўрлик қилганлиги Носириддин Тусийни ҳаяжонга солди. Бу олимга атаб ёнида кутубхонаси бўлган Мароға расадхонаси куриб берилди. Хулагу мусулмон фуқаролари бошқарадиган тузумни жорий этаркан, унга ўзгартиришлар киритиб турди. У 1265 йилда вафот этиб, ўғли Абағага бепоён империя мерос қолди.

АБАҒА (1265-1281 йиллар). Насроний бўлган Абаға тез орада Папа ҳамда овруполик айрим подшоҳлар билан элчилик алоқаларини боғлади.

Унинг инглиз қироли Эдвард I билан ёзишмалари сақланиб қолган. Улардан кўрамизки, Оврупо давлатлари Абағани доимо бошқа мусулмон давлатларига, айниқса, Мисрга қарши қайраб турган. Маълумки, Хулагу хужумини шахсан тўхтатган одам Миср султони Байбарс эди. Абаға Шомга кўшин тортиб борди. Лекин, IV бобда таъкидлаб ўтганимиздек, ўша жангда у мағлубиятга учради. Бу Венеция сайёҳи Марко Поло Форс орқали Хитойга кетаётган пайтга тўғри келганди. Моҳир ҳукмдор бўлган Абаға даврида осойишта ҳаёт ўрнатилди. Мусулмонликни ва Аҳмад исмини қабул қилган ўғли Тағудор унга рақиб бўлиб чиқди. Аҳмад Миср султони билан вакиллар алмашди, бироқ монгол додхоҳлари Аҳмад мусулмон эканлигини тан олмадилар. Такдир ўйини шундай экан: Хулагу араб маданиятини хароб қилган бўлса, унинг невараси Ислон йўлида жон берди.

ҒОЗОН МАҲМУД (1295-1304 йиллар). Икки подшоҳликдан кейин тахтга янги Элхон – Ғозон ўтирди. Хуросонда ҳокимлик қилиб, Аҳмад даврида бўлганидек, исён кўтарган додхоҳларни бостирди. Бу кучли ҳукмдор, ажойиб давлат бошлиғи ҳам монгол кўшинларини 1299 йили мамлукларга қарши бошлаб борди. Мамлуклар монгол кўшинлари марказини ёриб ўтдилар, бироқ Ғозон ўзининг отлиқ мерганларини моҳирона ишга солиш билан уларни чекинишга мажбур қилиб, жангда ютиб чиқди. Сўнгра Дамашққа йўл олиб, уни анча вақт қамалда тутиб тургач, шаҳар аҳолиси таслим бўлди. Марҳаматли мусулмон Ғозон шаҳарга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, унга ҳеч қандай зарар етказмади, ҳатто ўз аскарларига дарвозадан киришга ҳам рухсат бермади, айниқса, Дамашқнинг машҳур боғлари вайрон бўлмаслиги тўғрисида ғамхўрлик қилди. Шаҳарга солиқ солиб, у ерда ҳарбий қисмларини қолдирганича ўзи орқага қайтиб кетди. Энди Ғозон Маҳмуд номи билан атала бошлаган подшоҳни кўп ўтмай шимолий чегаралари ташвишлантира бошлади, бу уни бир неча йил овора қилди. Мамлуклар ўзлари қайта тортиб олган Шомдан фойдаланиб иш кўраётган эдилар. Қўли сал бўшаши билан Ғозон қайтиб келиб, ўғли шаҳзода

Қутлуғшоҳни 50000 кишилиқ қўшинга бош қилиб, шу ерга жўнатди. 1303 йили Марж ас-Сафарда бўлиб ўтган жуда катта жангда мамлуклар ғолиб чиқиб, минглаб монголлар ҳалок бўлди, юзлаб кишилар асир тушди. Бу Ғозон Маҳмуд учун жуда кучли зарба эди. Нақл этишларича, у бундай шармандалиқни кўтаролмай, фоний дунёдан кўз юмди.

ҒОЗОННИНГ ҲУКМДОРЛИГИ. Истеъдодли ва анча кенг дунёқарашли инсон бўлган Ғозон Маҳмуд ғарб билан ўзаро муносабатларга киришганди. Қизиғи шундаки, Овруподаги подшоҳлар Ғозонни отаси Арғун ёки Абаға сингари насроний, бинобарин, Исломга душман деб ўйлаб келдилар. Бундай фикрни монголлар билан мамлуклар ўртасида бўлиб ўтган урушлар мустаҳкамлаган бўлса ажаб эмас. Мамлуклар салибчиларни батамом даф қилганларидан бери овруполиклар уларга нисбатан ашаддий ёвлик муносабатида бўлиб келишарди. Шунинг учун ҳам кўплар Ғозонга кучайиб кетган мамлукларга ҳамда усмонийларга қарши овруполиклар билан бирлашган ҳолда курашишни таклиф қилдилар. Ғозон мусулмонларга қарши жанг қилишга хоҳиши йўқлигидан бундай таклифларнинг барчасини рад этди. Лекин мамлукларга душманлиги деярли бобомерос бўлган у мазкур масалада Оврупога, яъни унинг уста муомаласига тескари бирор нарса қилишдан ҳам ожиз эди. Ҳукмдор сифатида мустақил инсон бўлган Ғозон монголлар хароб қилган барча муассасаларни, мактаблар, дорилфунунлар, кутубхоналар, масжидларни, хунармандчиликни ва санъатни қайта тиклашга интилди. Элхонлар шунгача Хитойнинг буюк хонини ўзлари устидан ҳукмдор ҳисоблаб келишарди. Ғозон бундай муносабатга чек қўйди. У ўзини «Аллоҳ мурувват кўрсатган султон», деб эълон қилиб, шахсий қонунларини чиқара бошлади. Барча солиқларни адолат нуктаи назаридан кўриб чиқиб, камҳосил ерлардаги камбағал деҳқонларни даромад солиғидан озод қилиш; ҳамма ерда нуфузли, ҳақиқатгўй кишилардан қозилар тайинлаб, улар олдига ҳамма жойда шариат қоидаларига оғишмай амал қилинишини назорат этиб бориш талабини қўйди. Расадхона қурдириб, турли фанлардан сабоқ берувчи

мактаб очдирди. Илм соҳасига масъул вазири Рашидиддинга ўша давр тарихшунослиги билан шуғулланишни топширди. Ҳамма жойда: тош лавҳаларда, шаҳарлар, қишлоқлар ва ҳатто яйловлардаги масжидларда, яхудий ибодатхоналари ҳовлиларидаги ёғоч устунларда қонунларнинг талаблари қайд этиб қўйилди. У аждодлари етказган зарарнинг ўрнини қоплаш учун бетиним меҳнат қилди.

УЛЖАЙТУ ХУДОБАНДА (1305-1316 йиллар). Ғозоннинг укаси ва вориси Улжайту ҳам сулоланинг буюк вакили сифатида танилди. Аввалига насроний динига эътиқод қўйган бўлса ҳам, кейинчалик мусулмончиликни қабул қилиб, Худобанда номига сазовор бўлди. У шимоли-ғарбда Жилонни ва шимоли-шарқда Хиротни босиб олди. Миср мамлукларига қарши кўп курашди, Ғозонга ўхшаб Оврупонинг насроний ҳукмдорлари билан мамлакатлараро алоқалар боғлаб турди, улар эса Худобандани мамлукларга ва усмоний туркларига ҳужум қилишга қайраб келдилар. У турк тилига давлат тили ҳуқуқини берди, шу даврдан эътиборан турк ва форс тиллари бутун мамлакат миқёсида қўлланила бошлади. Улжайту ўзи асос солган Султония шаҳрида гўзал бинолар қурдирди, муҳташам мақбара бунёд эттириб, унга Карбалодан Имом Ҳусайннинг ҳокини кўчириб келтириб жойлаштиришни ҳам ният қилган эди. Форсда энг маҳобатли гумбази бўлган бу улуғвор иншоот ҳозиргача сақланиб қолган. Улжайтудан кейин бошқа бирорта ҳам йирик монгол подшоҳ чиқмай, Форсдаги монголлар империяси кичик подшоҳликларга бўлиниб кетди. Уларнинг айримлари эслатиб ўтишга моликдирлар.

ЖАЛОЙИРЛАР (1336-1411 йиллар). Учинчи Элхон – Аҳмаднинг ўрнига келган Арғуннинг куёви Амир Ҳусайн Жалойир асос солган подшоҳлик уларнинг энг муҳимларидан бири эди. Бу сулоланинг биринчи шоҳи – кучли ҳукмдор Шайх Ҳасан Бузрук 1336 йили Бағдодни пойтахт қилиб, қудратли пойтахт яратди. 1356 йили уни алмаштирган ўғли, ғоят истеъдодли бўлган Увайс Озарбайжон, Мўсул ва Диёрбакирни забт этди,

Бағдодни қайта қуриб, унга янгича ҳаёт бағишлашга ҳаракат қилди. Шундан кейин ҳокимликни эгаллаган Амир Хусайн Мўсулдан шимолроққа жойлашиб, Қора қўюнлилар номи билан маълум янги туркий халқ – туркманлар билан тўқнашишга, Элхонлар қолдиғидан ҳосил бўлган шерозлик музаффарийлар подшоҳлигига қарши жанг қилишга мажбур бўлдики, бу Амир Хусайннинг вориси – фотиҳ Амир Темур шу минтақалар узра улуғворлик билан елиб ўтган даврга тўғри келди.

САЛҒАРИЙЛАР (1148-1282). САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ (1194-1281). Салжуқий ҳарбий бошлиқлардан ташкил топиб, форс салғарийлари деб ном олган бошқа бир сулола 1148 йили Форснинг жануби-ғарбий кунжагини эгаллади. Улар аввалига Ироқ салжуқийларига, кейинчалик Хоразм шоҳларига итоатда бўлдилар. Ҳокимият тепасига элхонлар келгач, тожу тахт хазораспийлар қўлига ўтди. Одамови салғарийлар ва уларнинг ворислари ташқи дунё билан муносабатда бўлмасдан туриб, ўзларининг кичик подшоҳлигини обод қилишга уриниб кўрдилар. Шундай ҳукмдорлардан бири бўлган Саъд ибн Зангий (1256-1291) подшоҳлик қилган даврда Шероз шаҳрида буюк форс шоири Муслиҳиддин яшаб ижод этди. Ўз ҳомийси шарафига Саъдий тахаллусини қабул қилган, мароқли тақдир насиб этган бу буюк сайёҳ Африқо шимолидаги Ифриқиядан Ҳиндистоннинг Гужарат вилоятидаги Самнас шаҳригача барча мамлакатларни айланиб чикди. Ўн беш марта Маккага ҳажга борди. Ғоят кузатувчан ва синчков шоир, оддий бир жаҳонгашта йўловчи сифатида кишиларга, уларнинг турмуш тарзига, шунингдек, ҳукмдорларнинг раҳбарлик услубига доир кўпгина нарсаларни кўриб билиб олди. Сафардан қайтиб келгач, у Шерозда макон тутиб, ҳақиқий хушободлик сабоғи бўлмиш насрий ҳикоялардан иборат «Гулистон» ва шеърӣ «Бўстон» китобларини ёзди. Бундан ташқари номини бутун дунёга машҳур қилган қасидалар, ғазаллар битди. Унинг жозибали достонлари ва ҳикоялари, бутун мусулмон дунёсида асрлар давомида ёд олиниб, барчанинг қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаб келяпти.

МУЗАФФАРИЙЛАР (1313-1393). ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ (1300-1389). Салғарийлар кетидан ҳазораспийлар келишди. Улардан кейин сўнгги элхонлар давридаги Ўзид ҳокими Шарафиддин Музаффар асос солган сулола пайдо бўлди. Унинг ўғли Муборизиддинга Ўлжайту Худобанданинг ўғли ҳамда вориси элхон Абу Саиддан Ўзид ҳамда Форс ҳокимлиги мерос қолганди. Кирмон хони Шоҳ Жаҳоннинг қизига уйланган Муборизиддин 1340 йили Кирмонни мерос олиб, сўнгра Форс вилоятини ва ҳатто Исфаконни эгаллади. Анча кучга тўлиб, Табризга юришини бошқараётганида маҳаллий муаммолар уни йўлдан қайтишга мажбур қилди. Унинг ворисларидан бири фан ва санъатнинг катта ҳомийси Шоҳ Хўжа Шерозда асос солган дорилфунун машҳур билим марказига айланди. Унинг мударриси Шамсиддин Муҳаммад бутун дунёда Ҳофиз номи билан шуҳрат топди. Ҳофизнинг 1368 йилда нашр этилиб, асосан аёл ва табиат гўзаллигига бағишланган шеърӣ девони ҳанузгача севиб ўқилади. Шоир ишқ-муҳаббат ҳақида ҳам мусиқӣ шеърлар битди. Сохталик ва мунофиқликдан нафратланадиган Ҳофиз самимийликни, дўстлик, мардлик ва ҳалолликни куйларди. Уни кўплар ақл-заковати учун қадрлаб «Лисон ал-Ғойӣб» («Ғойӣбдан овоз») деб аташарди. Музаффарийлардан сўнгги ҳоким бўлган Мансур буюк Темурга қарши жасоратли жанг қилди, ўзининг охириги олишувиде эса у рақибӣ кўшинларининг сафини ёриб ўтиб, Темурнинг ўзига таҳдид солган заҳоти соҳибқироннинг ўғли Шоҳруҳ етиб келиб, уни чопиб ташлайди. Шу билан қиролликнинг ҳам куни тугайди.

ҒОЛИБ ТЕМУР (1336-1405 йиллар). Бу даврга келиб аслида Элхонотнинг куёши ботган, бутун Ўрта Шарқ майда подшоҳликларга айланиб, умуман ер юзиде бирорта йирик мусулмон давлати қолмаганди. Улуғ бир миллат бўлиб шаклланиб келаётган усмонийлар ўз империясини ташкил этишга ҳозирлик кўришарди. Қудратли куч бўлишларига қарамасдан, уларнинг ҳақиқӣ кунлари туғадиган давр ҳали олдинде эди. Мусулмон Африқосидеги сингари Ҳиндистон минтақасини ҳам кичик подшоҳликлар

Ўзаро бўлишиб олишганди, мусулмон дунёси буюк бир шахсга эҳтиёж сезаётганди ва бундай зот Самарқандда пайдо бўлди. Барлос уруғидан чиққан Темур шундай киши эди. Чигатойхоннинг ўзи монголларнинг ғоят катта империяси инқирозга учраганидан кейин Чингизхоннинг мусулмонлашган авлодидан мерос қолган Ўрта Осиё хонлигига бош бўлиб турди. Темур ёшлигидаёқ Трансоксианияга ҳоким этиб тайинланди. Ноёб истеъдод эгаси бўлган бу инсон секин-аста юксалиб, вазирлик даражасигача кўтарилди. 1369 йилда сарой аъёнлари билан тил бириктириб, Амир Хусайнни тахтдан ағдараркан, ўзи Самарқандга ҳоким бўлди. Шундан кейин Трансоксианиянинг қолган қисмини эгаллади... У Чингизхонникига ўхшаш дунё империясини вужудга келтириш орзуси билан ёнарди. Темур буюк шахс эди... Амир Темурнинг улуғ зот, истеъдодли лашкарбоши бўлганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. У ҳеч қачон жангда мағлуб бўлмаган, фавқулодда жасурлиги билан донг таратган. Бу шафқатсизларча талабчан раҳбар ўз жонини аяшни ҳам билмасди. Буюк давлат арбоби бўлган Темур Ислом шарафини ҳамма нарсадан кўпроқ қадрларди.

ТЕМУР ИСТИЛОСИ. Темур деярли ҳар йили Самарқанддан юришлар уюштириб турарди. Бу юришлар натижасида Хуросон, Форс, Ироқ, Шом ва Кичик Осиё бирин-кетин унинг ихтиёрига ўта борди. У тузган империя Дехлидан то Мармар денгизигача бўлган кенгликни ишғол қилди. Темурнинг Кичик Осиёни забт этишига эса усмоний султони Боязид I иғвоси сабаб бўлди. Бир аср давомида византияликлар билан уруш олиб борган усмонийлар катта империяга эга бўлай деб турган эдилар. Темур шуҳратини эшитган Султон Боязид унинг қачондир ўзига ҳужум қилишидан кўрқиб, бунинг олдини олиш мақсадида Кичик Осиё ҳисобига ўз ерларини кенгайтиришга қарор қилди. Ўша даврда у ерда кўплаб подшоҳликлар мавжуд бўлиб, айримлари Темурга қарам эди. Боязид уларнинг ҳаммасини: Кирмон, Қайсарий, Тоқат, Сивас ва Костамунани босиб олди. Улардан баъзиларининг ҳокимлари ёрдам сўраб, Темур томонга қочиб ўтдилар.

Тутқич бермас Боязид ўзига тобе бўлган арман элбошиси Эрзинян мамлакатини ҳам эгаллади. Буни Темур ўз обрўсига тажовуз сифатида қабул қилиб, Ғарбга қўшин йўллади. 1400 йили Сивасни забт этиб, у ерда ҳоким бўлган Боязиднинг ўғли Эртўғрулни асир олди, аскарлар аҳолини қиличдан ўтказишди. 1402 йили Темур яна қайтиб келиб, чоғроқ қўшин билан рақиби Боязидни осонгина енгиб, ўзини банди қилди. Боязид қамокда ҳаёт билан видолашди. Темур эса юришларини давом эттириб, жануби-ғарбда Шомни, жануби-шарқда эса Деҳлини ўзиники қилди. 1405 йили у Хитойни истило этишга чоғланди. Катта қўшин билан Марказий Осиёга йўл олиб, Хитой сарҳадига етганида вафот этди¹.

ТЕМУРНИНГ ВОРИСЛАРИ. ШОҲРУҲ (1404-1447) ВА УЛУҒБЕК.

Темур ўзига валиаҳд қилиб бошқа ўғлини белгилаб қўйганди, лекин ўша пайтда Хуросон ҳокими бўлиб турган Шоҳруҳ мирзо тез ҳаракатлари туфайли темурийлар империясига бош бўлишга эришди. У сўнмас шуҳрат қозониб, буюк Темурга муносиб ворис эканлигини исботлади. Падари бузрукворининг юришлари пайтида шу қадар бешафқат издан чиқарилган Форс ва Ўрта Осиёнинг ижтимоий ва маданий ҳаётини қайта тиклаш бобида жонбозлик кўрсатди. У асосий эътиборини Хуросон шаҳарларига, Марв ва Ҳиротга қаратди. Ўғли Улуғбекни Самарқандга Трансоксиания ҳокими қилиб жўнатиб, шу пайтдан эътиборан империясининг ушбу бўлаги ишига умуман аралашмади. Шу боисдан ажойиб шахзода Улуғбек мустақил ҳукмдорлик қилиб, Самарқандни фан ва маданият юксакликларига кўтарди. Фанга оталиқ қилишда Улуғбек ҳеч кимдан қолишмасди. У Самарқандда бунёд эттирган расадхона ҳозиргача асраб келинмоқда. Фалакиёт илмига доир тузиб чиққан жадвал эса аниқликда дунёда мислсиздир. Шоҳруҳ буюк меъмор эди, унинг хотини Гавҳаршод ҳам Машҳадда форс меъморчилигининг шон-шуҳрати бўлиб келган масжид қурдирди. Шоҳруҳ саройи ўша даврда Осиёдаги энг жозибали ва улуғвор маскан ҳисобланарди.

¹ www.islom.uz

У талайгина мамлакатлар, жумладан, Хитой хонлиги билан элчилар алмашди. Жангчи сифатида ҳам пешқадамлардан бўлган Шохрух тобора кучайиб бораётган қора қўюнли туркманларни кўп марта мағлубиятга учратди. 1447 йилда Шохрух вафот этгач, ўрнига Улуғбек тахтга ўтирди. Бироқ унинг подшоҳлиги даврида Ўрта Осиё чўлларида оёққа турган кўчманчи ўзбеклар Трансоксианияга бостириб келдилар, ҳатто Самарқандга хужум қилишиб, уни талон-тарож этдилар. Ўзбеклар етказган вайроналик Улуғбек дилини хуфтон қилди. Сал ўтиб у вафот этгач, 1452 йили темурий Абу Саид тахтга чиқди.

АБУ САИД (1452-1467) ВА ОҚ ҚЎЮНЛИ ТУРКМАНЛАР. Ҳақиқий темурийзода бўлган Абу Саид Темурнинг Фурот дарёсигача давом этадиган империясини ҳиндлардан тортиб олди. Бироқ унинг подшоҳлиги охирлаб қолаётганида Диёрбакирда оқ қўюнли туркманлар пайдо бўлишди. Улар ўз раҳнамолари Амир Узун Ҳасан бошчилигида Курдистон ва Арманистонни босиб олдилар. 1461 йили усмонийлардан зарба еган Узун Ҳасан Шарққа қайтиб келиб, темурийларга қарашли ерларни илон ялагандек аҳволга сола бошлади. Бу қобилиятли ҳарбий саркарда шунгача Форсни забт этиб, анчадан бери ўзига мададкор бўлиб келаётган қора қўюнли туркманларни ҳам тор-мор қилган эди. Темурий император Абу Саид унга қарши курашга киришиб, енгилганлиги натижасида Узун Ҳасан бирйўла Форс ва Озарбайжонни эгаллади. Шу билан темурийлар империяси барбод бўлди. Узун Ҳасан ўрнини бу диёрга тинчлик-осойишталик ва равнақ олиб келган унинг ўғли доно Ёқубшоҳ эгаллади. У маърифатли подшоҳ эди, лекин ворислари истеъдод бобида анча ожиз бўлганликлари сабабли туркманларнинг янги ташкил топган империясида парокандалик бошланди. Исмоил Сафавий исмли форс уларни таслим қилиб, сафавийлар империясини тузганига қадар шундай аҳвол давом этди.

САФАВИЙЛАРГАЧА ЎТГАН МАШҲУР КИШИЛАР. ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ (1207-1273 йиллар). Дастлаб монголлар, сўнгра

темурийлар мусулмон давлатларига жуда катта зарар етказдилар. Икки ярим аср давомида жуда арзимас тараққиётга эришилди. Дорилфунунлар вайрон этилиб, билим хазинаси бўлган кутубхоналар йўқотилди, истеъдодли кишилар ўлдирилди ёки сочилиб кетдилар, натижада маданий тараққиёт тўхтаб қолди. Шерозда Саъдий ва Ҳофиз пайдо бўлганликлари каби мусулмон дунёсининг чекка ўлкаларидагина ёзувчи ва шоирлар кўзга ташлана бошладилар. Ислом оламининг энг буюк нафосатли шоири Жалолиддин Румий Ўрта Осиёда дунёга келди. Монголлар ўлкани култепага айлантираётган кезлари унинг отаси Хоразмдан қочиб кетган эди. Фузало киши бўлган бу одамни Кўнйонинг салжуқий ҳокими шахзода Алоуддин ўз паноҳига олиб, шу ердаги дорилфунунга мударрис қилиб тайинланди. Ўша пайтлари Жалолиддин ҳали ёш бола эди. Отаси вафотидан кейин энди 23 ёшга кирган Жалолиддинга ҳам мударрислик вазифаси таклиф қилинди. У юксак маълумотли киши ва машҳур устоз сифатида танилди, бироқ Шамсиддин Табризий таъсирига берилиб, бошқа эътиқодни қабул қилди. Кейинчалик сўфий бўлиб, бир қатор дostonлар ёзди. Улар тўпланиб, маснавий, яъни дostonларнинг энг йирик мажмуаси, эҳтимолки, мусулмон дунёсидаги энг гўзал ижод маҳсули сифатида нашр этилди. Шарқнинг бизга замондош бошқа бир буюк шоири Муҳаммад Иқбол Румийни ўзининг маънавий устози деб билди¹.

ТАРИХЧИЛАР. Ёзма тарих бобида ҳам иккита буюк ном ва бир қанча бошқа исмлар пайдо бўлди. Хулағухоннинг котиби бўлиб, ҳамма воқеаларни ўз кўзи билан кўриб ёзган Алоуддин Жувайний шулардан бири эди. Унинг «Тарихи жаҳонгўша» деб номланган асарида монголларнинг тарихи ва ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ўта маърифатли киши деб саналган Рашиддин Фадлуллоҳ – Ғозон Маҳмуднинг вазири шу машҳур кишиларнинг иккинчиси эди. Рашиддин қаламига мансуб «Жомеъ ут-таворих» («Муфассал тарих») китоби жуда кўп манбаларни қамраб олиб,

¹ www.islom.uz

монголлар келишигача бўлган Форс тарихи билан таништилади. Китоб мулоҳазаларга бойлиги, босиқ ва мўътадил оҳанги ҳамда пухта-ҳалол ҳикояси билан ниҳоятда қимматлидир. Унда оташин қуролбардор Жалолиддин Ховоразмий тарихи хусусида сўз юритилади. Кўзга кўринган тарихчилардан яна бири Мирхонд бўлиб, у ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярмида хиротлик Амир Ҳусайн саройида сўнгги темурийлар ва оқ қўюнли туркманлар даврини тасвирлаб ёзган. «Равзат ус-сафо» («Сафо боғи») деб номланган асарида у ҳикояти жозибасини ошириш учун кўплаб латифалардан фойдаланган.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Тарихдан билганимиздек, араблар Эронга ўзлари билан арб ёзувини ва араб тилини олиб кирдилар. Араб тили уларнинг даврида адабиёт тил ва диний тил бўлиб қолди. VII аср охиридан эса девон тили ҳам бўлиб қолди. Бу даврда араб тили Ғарбий Осиё Шимолий Африка мамлакатлари учун халқаро тил мақомини олган эди. Шунинг учун узоқ вақт мобайнида Эрондаги адабиёт ва шеърятда ҳукмрон тил бўлган.

Араблар истилосининг муҳим оқибатларидан бири Эронда ислом динининг тарқалиши ҳисобланади. Аввал у аста секин тарқалган дўлса, VIII аср ўрталаридан шиддатли тус олди, ва IX асрда ислом марказий Эрон ва Хуросоннинг кўпчилиқ аҳолисининг эътиқоди бўлиб қолди¹.

IX аср охирига келиб Эрондаги сақлаб қолинган қулчилик ва патриархал тузумга эга бўлган илк феодал жамияти ривожланган феодал жамиятини йўл очиб берди. Эндиликда Эронда феодал ер мулкчилиги шакллари ҳукмрон бўлиб, деярли барча деҳқонлар қарамликда қолиб кетди. Эрон Сомонийлар, Ғазнавий, Салжуқийлар давлатлари таркибида бўлганида, бу ҳукмдорларнинг ислохотлари Эрондаги иқтисодий ҳаётга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

X-XII асрларда Эрон навбат билан Сомонийлар, Ғазнавий, Салжуқийлар сулолаларининг вакиллари томонидан босиб олинди. Бу сулолаларнинг барчаси ислом динини ўзларига асосий ғоя қилиб олган бўлиб, шариат қонунларига риоя қилиб, сиёсат юргизганлари туфайли, мамлакатни бошқарув тизимида, аҳолининг турмуш тарзида деярли ўзгаришлар учрамади. Бу даврда айрим эронлик олиму фузалолар шуҳрат қозонди. Бироқ, мамлакатнинг бир қатор жойларида норозиликлар кучая борди. Феодал рента ва солиқларнинг жуда ҳам ўсиб кетиши, крепостнойлик

¹ История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века. Под ред. Н.В.Пигулевской. — Л.: Издательство Ленинградского университета, 1958.С.85

сиёсати ва босқинчилар зулми мамлакатда синфий курашнинг кескинлашувига олиб келди. Бу кураш деҳқонларнинг оммавий қочиб кетишларида намоён бўлди. Вақти-вақти билан бу кураш қўзғолонлар тусига кирарди.

Жумладан, 1265 йилда Форсда мўғуллар ҳукмронлигига қарши йирик халқ қўзғолони бўлиб ўтди. Унга саййид Шараф-ад-дин бошчилик қилган. Бу қўзғолон элхон қўшинлари томонидан шафқатсиз бостирилган эди.

1275 йили элхон Абака-хон ўз аъёнлари билан Арран (Шимолий Озарбайжон)да ов қилаётган пайтида унинг устига маҳаллий аҳоли оломони бостириб кирди ва уни ўлдиришларига сал қолган эди. Бу ҳужум Абака-хонни шундай кўрқитдики, у оммавий қўзғолондан кўрқиб, бутун вилоятдан қўшин тўплашга буйруқ берди. 1291 йилда лурлар эрон кўчманчи қабилаларининг катта қўзғолони рўй берди. Улар вақтинча Исфакхонни қўлга киритишди.

XIII аср 80-90 йилларида иқтисодиётнинг чуқур инқирози пайтида, Эронда оммавий деҳқонлар ҳаракатлари ыошланиб, партизанлик уруши характерини олди. Бу ҳаракат Рашид ад-Дин томонидан “Жомеъ ат-таворих” асарида ёритилган. Рашид ад-Дин, феодал тарихшуноси сифатида бу ҳаракат иштирокчиларини қароқчилар деб атайди, бироқ унинг баёнидан кўриниб турганидек, бу ҳаракат деҳқонлар ва эксплуатация қилинаётган ҳамда бўйсундирилган халқнинг мўғуллар истилосига қарши ҳамда шафқатсиз эксплуатацияга қарши ҳаракат бўлган. Рашид-ад-Диннинг ёзишича, тоғ ва ўрмонларда яширинган партизан отрядлари қочоқ деҳқонлар, қочоқ куллар, шаҳар “қора одамлари” (рунуд ва оубаш), яъни шаҳар йўқсиллари ва камбағаллашган кўчманчилардан — курд, лур, араб ва хатто мўғуллардан иборат бўлган. Бу камбағал араб, мўғул, лур ва курдлар Эрон халқ оммаси билан зулмкорларга қарши биргалашиб курашганлар.¹

¹ *Рашид ад-Дин. Сборник летописей* / Перевод А. К. Арендса. — М.-Л.: Издательство АН СССР, 1946. — Т. 3. ; *Петрушевский И. П.* Землевладение и аграрные отношения в Иране XIII-XIV веков. / Отв. редактор академик *И. А. Орбели*. — М.-Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1960. — 492 с

Ҳар бир қишлоқ ва овулда кўзғолончиларнинг дўстлари, хабарчилари ва ишонарли одамлари бўлган. Қишлоқ оқсоқоллари ёрдамида қишлоқларда кўзғолончилар учун озиқ-овқат ва бошқа зарурий нарсалар тайёрлаб кўйилган. Шаҳарларда ҳам кўзғолончиларни қўллаб-қувватловчи одамлар кўп бўлган. Кўзғолончилар отрядлари зодагон амирлар саройларига ҳужум уюштириб, уларни талон-тарож қилганлар. Шунингдек, бу отрядлар савдогарлар-ўртоқлар карвонларига ҳужум уюштириб, бой ва зодагонларни ўлдиришган, уларнинг мол ва мулкларини қонуний ҳарбий ўлжа тариқасида ўзлари билан олиб кетишган.

Кўзғолончилар халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланган, уларни ҳамма жойда қабул қилишар, яширар, овқат беришар, жасоратларини улуғлашар эдилар. Шунинг учун ҳокимиятга уларга қарши курашиш жуда қийин эди. Бирон-бир кўзғолончи ушланиб, қатл этишга олиб кетилса, халқ ичида норозилик кўтариларди: “Бундай баходурни қандай қилиб қатл эттириш мумкин!”

Кўзғолончиларнинг ҳаракати Ғозон-хон қўшинлари томонидан бостирилди.

1303 йилда пир (шайх) Якуб бошлиқ исёнчи-мазҳабчилар ўзларини дарвешлар ордени деб атаб, кўзғолон кўтармоқчи бўлишган. Уларни Рашид-ад Дин маздакийлар деб атаган. Улар шаҳзода Алафрангга ҳокимиятни қўлга киритишда ёрдам бермоқчи эдилар. Бироқ уларнинг режаси барбод бўлиб, бошлиқлар ҳибсга олиниб, қатл эттирилди.

Рашид-ад-Дин, бу мазҳабчиларни маздакийлар деб атаб, шубҳасизки, уларнинг ҳам ижтимоий дастури қадимг и маздакчиларники каби — ижтимоий тенгликни ўрнатиш ва ерларни қишлоқ жамоаларига беришдан иборат бўлганини айтмоқчи бўлган. Дехқонлар ва ҳунармандларнинг энг йирик кўзғолонлари Эронда кейинчалик, XIV асрнинг 30-80 йиллар оралиғида авж олган эди.

Хулагулар давлати — рус шарқшунослигида Государство Хулагуидов, ғарб тарихшунослиги— **Ilkhanate, II-Khanate – Чингизий Хулагу томонидан асос солинган ва унинг авлодлари томонидан бошқарилган салтанат**. 1256-1260 йиллардаги босқинчилик юришлари пайтида ўзбошимчалик йўли билан Хулагу томонидан тузилган бўлиб, 1261 йилда Мўғул империяси қоони Хубилай томонидан тан олинади. Хубилай-қоон Хулагуга “элхон” унвонини тухфа қилади («қабила хони”, “эл хони”, “улус хони” маъносида¹). Тахтга Ғозон-хон чиққунига қадар ([1295—1304](#)) Хулагулар буюк хонга номинал бўйсунганликларини тан олардилар.

Хулагулар давлати Ғозон-хон томонидан амалга оширилган ислохотлар туфайли ҳукмронлигини 1353 йилгача давом эттирган эди. Бу ислохотлар вазир Рашид ад-Дин томонидан татбиқ этилган эди. Элхоний Абу-Саид вафотидан кейин ([1335](#)) кучсизлашиб қолган элхонийлар фақат янги сулолалар – Чобанийлар ва Жалойирийлар ҳокимиятига қонунийлик тарзини бериш учунгина тахтга чиқарилар эди, холос.

Хулагулар давлати таркибига Эрон, Арран, Ширван, Афғонистоннинг катта қисми, Ироқ, Қурдистон, Жазира (Юқори Месопотамия), Кичик Осиёнинг шарқий қисми (Қизил-Ирмоқ дарёсигача). Хулагуларнинг вассалари ва ўлпон тўловчилари Грузия, Трапезунд империяси, Конья султонлиги, Киликия Арманистони, Кипр қироллиги¹, Ҳиротдаги куртлар давлати бўлган. Хулагулар давлатининг пойтахти изчил равишда [Мераге](#), [Табриз](#), [Султония](#), сўнг яна Табриз бўлган.

Мўғуллар ҳукмронлиги даври эрон халқи тарихидаги энг оғир даврлардан бири ҳисобланади. Бу даврда юз минглаб кишилар ҳалок бўлди, шаҳар ва қишлоқлар таланди, феодал зулм кучайтирилди. Ғозон-хон давридаги вақтинчалик иқтисодий юксалиш, элхонлар қароргоҳлари бўлган икки-учта шаҳарнинг гуллаб-яшнаши, мамлакатни талон-тарож қилинганлик

¹ [История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века](#). — Л.: 1958. — С. 187.

¹ [Петрушевский И. П.](#) Иран и Азербайджан под властью Хулагуидов (1256–1353 гг.) // *Татаро-монголы в Азии и Европе* : Сборник статей. — М.: Наука, 1977. — С. 235.

ўрнини боса олмайди. Карвон савдоси элхонлар давлатини кўплаб узоқ ва яқин мамлакатлар билан боғлаб турган бўлса-да, деярли фақат хукмрон табақа эҳтиёжларига хизмат қилган ва Эронда на янги маданий таъсирлар, на янги ғоялар кириб келишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган.

Элхон Абу-Саъиднинг вафотидан кейин (1335), йирик феодалларнинг марказга йўналтирилган хоҳиш –истаклари, феодаллар ўртасидаги ҳокимият учун ўзаро кураш, янгитдан кегайтирилган миллий-озодлик ҳаракатлари шунга олиб келдики, мўғул босқинчилари томонидан тузилган Хулагулар элхонлар давлати парчаланиб кетди.

Хулагулар давлати Эрон тарихи саҳнасида 1336 ва 1353 йилларда мавжуд бўлган. Эрондаги мўғуллар аста-секин бу ерда истиқомат қилаётган туркийлар билан ва қисман эронликлар билан аралашиб кетган.

Т а в с и я л а р

КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ МЕТОДИ

Кичик гуруҳларда ишлаш талабаларнинг дарсада фаоллигини таъминлайди, ҳар бири учун мунозарада қатнашиш ҳуқуқини беради, аудиторияда бир-биридан ўрганишга имкони туғилади, бошқалар фикрини қадрлашга ўргатади.

Қўлланиш усули.

1. Фаолиятни танлаш. Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада талабалар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

2. Зарурий асос яратиш. Талабалар кичик гуруҳ ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.

3. Гуруҳни шакллантириш. Одатда ҳар бир гуруҳда 3-5 талаба бўлади (эҳтимол, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гуруҳда ишлаш у ёки бу ёзма ҳужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишили гуруҳ тузилгани маъқул. Гуруҳ ўлчови масаланинг муҳимлиги, аудиториядаги талабалар сони, талабаларнинг бир-бири билан конструктив ҳолатда ўзаро ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг яхшиси, “гетероген” гуруҳ ташкил этишидир (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гуруҳда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади (мисол учун, бир талаба мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Аудиторияни гуруҳларга ажратиш, ҳошиш бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

4. Аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш. Талабаларга фаолиятни бажариш бўйича аниқ ва ҳажм жиҳатдан кўп бўлмаган тушунтириш берилади. Ўқитувчи гуруҳларининг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган ҳолда вақт чегарасини айтади. Гуруҳлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. Талабалар гуруҳда ишни бошлашлари учун вазифаларини аниқ тушуниб етганлиги текшириб кўрилади.

5. Қўллаб қувватлаш ва йўналтириш. Ўқитувчи зарурат туғилса, гуруҳлар ёнига навбатма-навбат келиб тўғри йўналишда ишлаётганлигини қайд этади ёки уларга ёрдам беради, гуруҳларга тазйиқ ўтказилмайди.

6. Муҳокама қилиш ва баҳолаш. Гуруҳларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ ўз сардорини белгилайди. Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича билдирилган фикрлар ўқитувчи томонидан ёзилиб борилади. Муҳими, гуруҳ ечимининг асосланишини аниқлаштириб олиш. Агар вақт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни аргументлашда гуруҳлар бир-бирига савол ҳам беришлари мумкин. Кичик гуруҳларда ишлаш натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

Ушбу метод қўлланилганда талаба кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

Кичик гуруҳларда ишлаш методи қўлланилганда ўқитувчи бошқа ноанъанавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча талабаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

Гуруҳда ишлаш қоидалари¹

- Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.
- Ҳар ким фаол, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.
- Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.
- Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.
- Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.
- Ҳар ким «бошқаларга ўргатиб, ўзимиз ўрганамиз» шиориға тўла риоя қилиши шарт.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча талабалар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- кучсиз талабалар бўлганлиги сабабли кучли талабаларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;

¹ www.allbest.ru

- барча талабаларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин.

- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методини қўллаш босқичлари:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Талабалар гуруҳларга 3-5 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва ўқитувчи томонидан йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

Биз қуйида гуруҳларни кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш услубини қўллаш орқали ўтказилган дарс ишланмасини келтирамыз.

ХУЛАГУЛАР ДАВРИДА ЭРОН 2 соат

(янги педагогик технологияларни қўллаш асосида)

Машғулот режаси

- | | |
|--|-----------|
| 1. Дарснинг ташкилий ва йўналтирувчи қисми | 5 дақиқа |
| 2. Ақлий ҳужум | 10 дақиқа |
| 3. Кичик маъруза | 20 дақиқа |
| 4. Кичик гуруҳларда ишлаш методи | 40 дақиқа |
| 5. Дарснинг якуни | 10 дақиқа |
1. Биз бу дарсда “ақлий ҳужум”, яъни “брейнштурминг” усулидан фойдаланамиз. Бунинг учун доска учта қисмга бўлиб қўйилади:

Эронда элхонлар Хулагулар давлатининг ташкил топиши	Хулагулар даврида Эрондаги иқтисодий ҳаёт	Х-ХV асрларда Эрон маданияти

Шу тарзда гуруҳ аъзоларини ҳам уч гуруҳга бўламиз. Биринчи гуруҳга биринчи устунни тўлдириш, учинчи гуруҳга учинчи устунни тўлдириш вазифаси берилади¹.

Навбатда ўрганишга таклиф этилаётган мавзу айтилган гуруҳ оралиғида бўлганлиги боис, ҳар бир гуруҳ томонидан эркин фикрлар билдирилади. Шунинг учун таҳлил асосида иккинчи гуруҳга иккинчи устунни, 3 чисига учинчи устунни тўлдириш вазифаси берилади.

Дарс бошидаги ақлий ҳужум методи орқали ўтказилган машқ талабалар фикрини мавзуга йўналтиради, уларнинг дастлабки тушунчалари қай даражада эканлиги, мавзунинг ёритишда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида ўқитувчи қимматли маълумотлар олади.

Дарснинг иккинчи босқичида режа бўйича 20 дақиқалик кичик маърузада педагог янги мавзунинг асосий мазмунини ёритиб ўтади.

Дарснинг кейинги босқичида талабалар 3 та кичик гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳга топшириқлар ва тарқатма материаллар берилиб, улар бу ўқув дидактик материални ўзлаштириб бошқаларга тушинтириш учун тақдимот тайёрлашлар зарурлиги ҳақида кўрсатма берилади. Ҳар бир гуруҳга тақдимот тайёрлаш учун 20 дақиқа вақт ва тарқатма дидактик материаллар берилади.

Дарс якунида қуйидаги жадвални тўлдириш таклиф этилади:

Нимани билар эдик?	Нимани билишни ҳохлаймиз?	Нимани билиб олдик?

¹ www.allbest.ru

Бу жадвални тўлдириб келиш уйга мустақил вазифа сифатида берилади. Ноанаънавий семинар дарслари барча талабаларни объектив баҳолашга имкон беради. Дарсга хотима ясаб, талабалар келгуси дарсда бажарилиши керак бўлган топшириқлар ва саволлар билан таништирилади.

Ўқитувчи семинар дарси ўтишга ҳозирлик кўрар экан, семинар машғулоти режасига биноан дарсни қандай, қайси услубларни қўллаб ўтказиши, қандай кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллардан фойдаланишини аввалдан режалаштириб, зарур материалларни тайёрлаб қўйиши керак. Чунки, семинар дарси талабаларни билим олишлари, уни пухта ўзлаштиришлари ва олган билимларини келгусида реал ҳаётда қўллашни ўрганишларида алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам семинар дарсида қизиқарли, талабаларнинг фаол қатнашишларини таъминлайдиган услубларни қўллаб дарс ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

МАНБАЛАР

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.:Шарқ, 1998
2. Абу Бакр ал-Кутби ал-Ахари. [Тарих-и шейх Увейс](#) / Пер. М. Д. Кязимова и В. З. Пириева. — Баку: Элм, 1984.
3. Бичурин (Иакинф) Н.Я. История первых четырех ханов из дома Чингисова. СПб., 1829.
4. [Вассаф. История Вассафа](#) // Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. — М.: 1941.
5. Голстунский К.Ф. Монголо-ойратские законы 1640 года. СПб., 1880.
6. Козин С.А. Сокровенное сказание. М.-Л., 1941
7. Котвич В.Л. Русские архивные документы по отношениям с ойратами XVII-XVIII вв. / Изв. Российской Акад.наук. 1919. №12-18.
8. Книга Марко Поло. М., 1957.
9. Путешествия в восточные страны П.Карпини, Г.Рубрука. М., 1957
10. Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Т.1-2.- М.-Л., 1952
11. [Рашид ад-Дин. Сборник летописей](#) / Перевод А. К. Арендса. — М.-Л.: Издательство АН СССР, 1946. — Т. 3.
12. Фасих ал-Хавафи. Фасихов свод / Пер. Д. Ю. Юсуповой. — Ташкент: Фан, 1980.
13. Шастина Н.П. «Шара туджи» - монгольская летопись XVII века. М.-Л., 1957.

Дарсликлар, қўлланмалар, илмий ва оммабоп адабиётлар

14. Ацамба Ф.М., Лапина З.Г., Мейер М.С. История стран Азии и Африки в средние века. - М.:МГУ, 1987. Части 1 и 2.
15. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. — М., 1963

16. [Бартольд В. В. Хулагу](#) // Бартольд В. В. Сочинения. — М.: Наука, 1971. — Т. VII: Работы по исторической географии и истории Ирана.
17. Бартольд В. В. Ильханы // Бартольд В. В. Сочинения. — М.: Наука, 1971. — Т. VII: Работы по исторической географии и истории Ирана.
18. Васильев В.П. История и древности восточной части Средней Азии от X до XIII века. — СПб., 1857
19. Владимиров Б.Я. Общественный строй монголов (монгольский кочевой феодализм) — Л., 1934
20. Владимиров Б.Я. Политика монгольских ханов династии Юань. — М., 1986.
21. Грумм - Гржимайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край. Т.2. Л., 1926
22. Гумилев Л.Н. Древнемонгольская религия. /Доклады Всесоюзного географического общества. Вып.5. Л., 1968
23. Греков Б.Д. Киевская Русь. — М., 1953.
24. Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ёрда ва унинг кулаши.- Т., 1956
25. Греков Б.Д. Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. — М., 1950.
26. Егоров В.Л. Историческая география Золотой Орды в XIII-XIV вв. — М.:Наука, 1985.
27. Закиров С. Дипломатические отношения Золотой Орды с Египтом. — М.: 1966
28. Златкин И.Я. История Джунгарского ханства. 1635-1758. — М., 1964
29. Иванов М.С. Очерк истории Ирана. М., 1952.
30. [История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века](#). Под ред. Н.В.Пигулевской. — Л.: Издательство Ленинградского университета, 1958.
31. История стран Азии и Африки в средние века. Под ред. Симоновской Л.В., Адамба Ф.М. М., 1968.

32. История Востока.- Издательская фирма "Восточная литература" РАН, Москва, 1997
33. История Монгольской Народной Республики. – М., 1967
34. История Монголии. – М.-Л., 1987.
35. История стран Зарубежной Азии в средние века. – М.:Наука, 1970
36. История стран Азии и Африки в средние века. Часть 2. М.:МГУ, 1987
37. История средних веков. М., 2002
38. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. – Т., 1996
39. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. Избр.соч. Т.4. М.-Л., 1957
40. Лекции по истории средних веков. – М.:МГУ, 1992.
41. Мункуев Н.Ц. Китайский источник о первых монгольских ханах. М., 1965
42. Насонов А.Н. Монголы и Русь. М.-Л., 1940.
43. Петрушевский И. П. Землевладение и аграрные отношения в Иране XIII-XIV веков. / Отв. редактор академик И. А. Орбели. — М.-Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1960. .
44. Петрушевский И. П. Иран и Азербайджан под властью Хулагуидов (1256–1353 гг.) // Татаро-монголы в Азии и Европе : Сборник статей. — М.: Наука, 1977.
45. Покотилов Д.З. История восточных монголов в период династии Мин. 1368-1634. СПб., 1893.
46. Разин Е.А. История военного искусства.- М..1957
47. Рыжов К. Н. Все монархи мира. Мусульманский Восток VII—XV вв.. — Вече, 2004.
48. Семенов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. –Т., 1983
49. Тизенгаузен М.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Т.2. – М.,1962
50. Tarixda turkiy davlatlar. (Erol Gungo'r).- Toshkent, 2003.

51. Хрестоматия по истории средних веков. Под ред. Н.П.Страцианского и С.Д. Сказкина. – М., 1953. 3 изд.

Интернет сайтлари


52. www.wikipedia.org
53. www.allbest.ru
54. www.hrono.ru
55. www.e-tarix.uz
56. www.bankreferatov.ru
57. www.krugoswet.ru
58. www.kulichki.ru
59. www.islom.uz
60. <http://gumilevica.kulichki.net/maps/he218.html>
61. <http://farhang-alshia.narod.ru/karbin/histoir5.html>


Хулагулар уйи . Форс (Эрон) элхонлари.



Чингизхон уруғи.

Тулуй уйи.

1. Хулагу
(1256 – 1265
хукмронлик)








Изоҳлар

Черик - Темур, Тош - Темур, Ашик - Темур, Гирей – болаликда вафот этишган
Шажарадаги рақамлар тахт ворислиги тартибини кўрсатади.

Форс (Эрон) нинг сўнгги элхонлари.

Агра (тахминан 1335 - 1336). Муса (тахминан 1336 - 1337). Мухаммад (тахминан 1336 - 1338)

Сати Бег (аёл.) (тахминан 1338 - 1339). Яхан Темур (тахминан 1339 - 1340). Сулаймон (тахминан 1339 - 1343)



Интернетдан олинган. Тузувчи - [Игорь Борев](#)

www.hrono.ru

МУНДАРИЖА

Режа.....	2
Кириш.....	3
Адабиётлар таҳлили.....	8
1-БОБ. ЭРОННИНГ X-XII АСРЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ.....	11
1.1. Эронда Сомонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийлар ҳукмронлиги.....	11
1.2. Эронга мўғулларнинг кириб келиши ва ҳукмронлигининг ўрнатилиши.....	25
1.3. Эронда элхонлар Хулоғулар давлатининг ташкил топиши.....	35
2-БОБ. ЭРОН ХУЛАГУЛАР ДАВЛАТИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА.....	38
2.1. Эронда Хулағулар давлати ҳукмронлиги.....	38
2.2. Эронда Хулағулар олиб борган сиёсат ва бошқарув шакли.....	43
2.3. Ислом Мовароуннаҳр ва Форсда.....	46
Хулоса ва тавсиялар.....	57
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	67
Илова.....	71

